БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 40 (3839)
17 ФЕВРАЛЬ 1979 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Пахтани самарали қайта ишлаш ва 1979 йилги ҳосилни қабул қилиб олишга тайёргарлик юзасидан «Ферганазаготхлопкопром» саноат бирлашмаси корхоналари коллективларининг социалистик мажбуриятлари» тўғрисида қарор қабул қилди.

● Учишни бошқариш маркази хабар қилади: 1977 йилнинг 29 сентябрида Ер атрофи орбитасига чиқарилган «Салют-6» илмий станцияси космосда учаётганига 16 ойдан ошди. Станциянинг автомат режимдаги иш программасига мувофиқ космосда узоқ учиш шароитларида системалар, машина-ускуналар ва аппаратларни синаш давом этмоқда.

ДЎСТЛИК МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

Ўзбекистон пойтахти жамоатчилиги СССР билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома имзоланган куннинг 31 йиллигини нишонлади. 16 февралда бўлган тантанали йиғилиш шонли санага бағишланди.

Йиғилиш қатнашчилари қардош венгер халқига социалистик қурилишда янги-янги муваффақиятлар тиладилар. [ЎзТАГ].

1979 йил 4 МАРТ ЯКШАНБА — СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР КУНИ

СССР Олий Советига сайловлар муносабати билан шу кунларда Чилонзор ва Акмал Икромов районларида-

Ёшлар даврасида

ги ёш сайловчилар ўртасида ижтимоий-сиёсий мавзуларда суҳбатлар, лекциялар ўқувлар бўлиб турибди. Чилонзор район комсомол комитети ВЛКСМ Марказий Комитетининг СССРдаги барча ёш сайловчиларга Мурожаатини кенг пропаганда қилмоқда.

Яқинда Тошкент Давлат университети фалсафа кафедрасининг доценти Ф. А. Аъзамов «Совет сайлов системаси» мавзуида ёшлар даврасида лекция ўқиди.

Маданият саройида учрашув

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг бир группа олимлари пойтахтимизнинг Ленин районидаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг Маданият саройида ёш сайловчилар билан учрашдилар. Бу учрашув «Думалоқ стол атрофида» деб аталди. Унинг қатнашчилари — юристлар турли мавзуларда лекциялар ўқишди.

Бу учрашувда Совет сайлов системаси, СССР гражданларининг ҳуқуқ ва вазифалари тўғрисида сўз юритилди. Олимлар ёш сайловчиларнинг кўпгина саволларига муфассал жавоб беришди. Бу — Ленин район партия комитетининг «Билим» жамияти район ташкилоти билан биргаликда ўтказган навбатдаги учрашувларидан биридир.

СПОРТ МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

«Зарбдор меҳнатмиз— ўнинчи беш йилликка!» — юз минглаб тошкентликлар шу кунларда ана шундай шиор остида меҳнат қилишяпти. Партиямиз беш йилликка белгилаган марраларни, ўз-ўзидан аёнки, фақат билимдон, ишлаб чиқаришни яхши биладиган, фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини ўзлаштирган, бунинг устига чиниққан, мустаҳкам саломатликка эга бўлган кишиларгина забт эта оладилар. Бунда бизнинг энг содиқ ёрдамчиларимиз —физкультура ва спортдир. Физкультура ва спорт унумли меҳнат қилиш, яхши ўқиш, социалистик Ватанимизни муҳофаза этишга ҳамиша тайёр туришда бизнинг энг яқин ёрдамчимиз.

Бугун биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Тошкент шаҳар партия комитетининг, шаҳар партия-хўжалик активининг қарорларини амалга ошира бориб корхона ва ташкилотларда, олий ўқув юртлари ва мактабларда, аҳоли истиқомат жойларида физкультура ва спорт коллектив турмушига тобора кенг жорий этилаётганлиги ҳақида ҳикоя қиламиз.

ҲАММАНИНГ ИШИ

Чилонзор — аҳоли зич жойлашган массивдир. Шунинг учун ҳам аҳоли турар жойларида оммавий-физкультура ва спорт ишларига катта эътибор берилмоқда. Аҳоли турар жойлардаги оммавий-физкультура ва спорт ишларининг ҳаммаси перспектив план асосида олиб борилмоқда. Бу ишларнинг ҳаммасини «Жисмоний тарбия бўйича координацион совет», ҳар бир уй-жойлардан фойдаланиш участкаларида эса — физкультура ва спорт бўйича жамоатчи советлар амалга оширмоқдалар, педагоглар, жамоатчи тренерлар ва оталиққа олган корхоналарнинг вакиллари бевосита ташкилотчиларидир.

Аҳоли турар жойларда 311 та ҳар хил спорт секциялари иш олиб бормоқда, булардан 39 таси катта ёшдагилар учун мўлжалланган. Аҳоли бўш вақтини мароқли ўтказиши учун кечки пайт мактаблардаги спорт залларидан фойдаланилмоқда.

Район партия комитети ва район Совети ижроия комитетининг қарорига мувофиқ, оталиққа олган ташкилотлар ҳисобига 11 та оддий спорт иншооти қурилди. 1978 йилда районда «Саломатлик» спартакиадаси, Физкультурачилар кунига бағишланган байрам, спортнинг олти тури бўйича 16-анъанавий спартакиада, енгил атлетика кросси, хоккей, «Чарм тўп» соврини учун футбол бўйича оммавий мусобақалар ўтказилди. Бу мусобақаларда Чилонзор аҳолисидан 40 мингдан ортиқроқ киши қатнашди. Ғолиблар шаҳар биринчилигида район шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Район командаси уй-жойлардан фойдаланиш бошқармалари ва ҳовлилардан фойдаланиш участкаларининг 16-Спартакиадасида, «Ленин учқуни» газетаси соврини учун енгил атлетикачилар эстафетасида, «Правда» газетасининг соврини, Ленин комсомоли ташкил топганининг 60 йиллигига бағишлаб Майна Ҳасанова хотираси учун ўтказилган енгил атлетика кроссларида биринчи ўринларни эгаллади, XV Бутуниттифоқ ўқувчилар спартакиадасида 1100 ўқувчи гимнастика бўйича кўргазмали чиқишларда қатнашди. 76 ўқувчи республика шарафини ҳимоя қилди. Улар томонидан 2 та олтин, 5 та кумуш, 3 та бронза медаллари қўлга киритилди.

«Меҳнат резервлари» жамияти комсомолларининг тренерларнинг уй-жой участкаларига оталиқ кўрсатишлари тўғрисидаги ташаббуслари районда кенг қулоч ёйди. 35-уй-жойлардан фойдаланиш бошқармасининг классик кураш бўйича спорт клуби катта шуҳрат қозонди. «Меҳнат резервлари» жамиятининг тренери И. Қаландаров ана шу клубнинг ташкилотчисидир. У 200 дан ортиқ болада спортга иштиёқ уйғотди.

Биз болалар ва ўсмирларнинг спорт билан шуғулланишлари бирдан-бир мақсад эмаслигини тушунамиз. Спорт ўсиб келаётган ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда ҳам катта аҳамият касб этади. 1978 йилда спортнинг турли секцияларида шуғулланувчи ўсмирлар сони бир мунча кўпайди. 19-кварталдаги 9 ва 10-уйда яшовчилар ўз фарзандлари учун спорт тўгараклари ва спорт секциялари тузишга, уларни жиҳозлашга қарор қилдилар. «Ҳар бир ҳовли — спорт базаси бўлсин!» — ташаббускор ота оналарнинг шиори шундай. Бу ишга заргарлик заводи партия комитетининг секретари М. Жагбаров раҳбарлик қилди. Ота-оналарнинг мурожаати ижроия комитетда маъқулланди ва районга ёйилди.

Ташкилотчи педагоглар ўз олдиларига «тарбияси қийин» ўсмирларни спортга жалб этиб қайта тарбиялаш вазифасини қўйдилар. Биз яхши бўлмаган оилаларнинг фарзандларини ҳамда балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш бўйича инспекция ҳисобида турадиган болаларни қандай бўлмасин оммавий-спорт тадбирларга кўпроқ жалб этишга ҳаракат қиламиз. Фақат ўтган йили ўтказилган оммавий-спорт тадбирларидагина шундай болалардан 81 таси қатнашди. Ўтган йили районда балоғатга етмаган ёшлар ўртасида қоида бузишликнинг қисқариши ҳамда балоғатга етмаган ёшлар билан иш олиб борувчи инспекция ҳисобида турадиган ўсмирлар сони қисқарганлиги ана шу ишнинг ижобий якуни ҳисобланади.

А. КАРАСЕВА,

Чилонзор район Советн ижроия комитетининг раиси.

● ГТО—БАРДАМЛИК, АЪЛО КАЙФИЯТ ГАРОВИ

● ЧИМЁНДА «ҚИШ БАЙРАМИ»

● ЁШУ ҚАРИ СТАРТГА ЧИҚДИ

Районнинг спорт маркази

Пойтахтимизнинг Ленин районидаги 110-мактабда спорт залининг тантанали очилиш маросими бўлди. Мактаб спорт комплексига сув ҳавзаси, теннис, қўл тўпи ва спортнинг бошқа турлари бўйича машғулотлар учун очиқ майдончалар киради.

Янги залда болалар футбол, баскетбол, волейбол билан шуғулланишлари мумкин. Жисмоний тарбия машқлари ҳам қиш ойларида шу ерда ўтказилади.

Янги комплекс райониинг ўзига хос спорт маркази бўлиб қолади. Орадан кўп ўтмай бу ерда турли секциялар иш бошлайди, болалар ва ўсмирлар ўртасида, катта спортчилар ўртасида мусобақалар ўтказилади.

В. СИНЯГИН.

* * *

СУРАТДА: «Искорка» клубининг ёш футболчилари янги спорт залида машғулот ўтказишмоқда.

Автор фотоси.

ҚУЙИ ФИЗКУЛЬТУРА КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

Ишчилар ГТО нормасини топширишяпти

Бирлашма партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари физкультура ва спорт ишларини ривожлантиришга катта аҳамият бериб, бу масалаларни коллективнинг социал ва иқтисодий ривожланиш планига киритдилар. Бу жуда яхши натижага олиб келди. Ҳозир корхонада 8 спорт мастери ва спорт мастерлигига кандидат, 39 биринчи разрядли ва 426 оммавий разрядли спортчи бор. Физкультура коллективида 280 жамоатчи судья ва тренер тайёрланди.

Бирлашма терма командаси спартакиадаларда қатнашиб, яхши натижаларга эришмоқда. Жумладан ўтган йили волейболчилар, баскетболчилар, футболчилар, ГТО кўпкурашчилари область мусобақаларида биринчи ўринни қўлга киритишди.

«Меҳнат ва СССР мудофаасига тайёр» комплексини ўзлаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. У меҳнаткашларнинг умумжисмоний тайёргарлигини оширишда муҳим восита вазифасини ўтамоқда. Шу кунларда 1390 ишчи ва хизматчи комплексга норма топширишга тайёргарлик кўрмоқда. 362 меҳнатчи ГТО нишондоридир.

Физкультура совети корхона стадионида тез-тез спартакиада ва спорт байрамлари ўтказиб туради. Корхона ишчилари Чотқол чўққиларига саёҳат қилиб туришади. Бу ерда «Гулистон» туристик базаси жойлашган. Корхона меҳнаткашлари Сирдарё соҳилида жойлашган «Сайхун» базасида ҳам дам олиб турадилар.

Ишлаб чиқариш гимнастикасини янада такомиллаштириш бўйича амалий ишлар қилинмоқда. Ҳозир корхонада меҳнат қилаётганларнинг ҳар иккитасидан бири ишлаб чиқариш гимнастикасида иштирок этяпти.

Куйбишев район партия комитети завод стадионини «Високовольт» массивидаги оммавий физкультура ишларининг марказига айлантириш ҳақидаги ташаббусимизни маъқуллади. Стадионни қуриш ва реконструкция қилиш ишларига бошқа корхона ва ташкилотлар ҳам жалб қилинди.

Спорт меҳнатга ҳамдам деб бежиз айтилмаган. Физкультура ва спортнинг бизга бахш этаётган ғайрат ва тетикликни баҳолаб бўлмайди. У юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришишимизга ёрдам беряпти. «Средазкабель» бирлашмаси коллективи уч йилдан буён КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлда сақлаб келмоқда. Шу давр мобайнида корхона СССР Электротехника саноати министрлиги корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада бир неча бор ғолибликни қўлга киритди.

Ҳ. АЛИМОВ,

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

● *Шаҳримиз олий ўқув юртларида*

Мустаҳкам алоқада

Театр ва рассомчилик санъати институти партия, касаба союз, комсомол ва спорт ташкилотлари мустаҳкам алоқада иш юритишмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад барча студентларни физкультура ва спорт ишларига жалб қилиш, спорт секциялари тармоқларини кенгайтириш, спорт базасини мустаҳкамлашдан иборат.

Бу ерда айниқса «Меҳнат ва СССР мудофаасига тайёр» Бутуниттифоқ физкультура-спорт комплексини жорий қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, ўтган йили институтнинг 196 студенти ГТО комплекси нишонини тақиб юриш ҳуқуқини қўлга киритди. Ўн малакали спортчи тайёрланди, 250 дан зиёд студент оммавий разряд нормативини бажарди.

Институт спартакиадаси бир неча босқичдан иборат. Дастлаб группаларда мусобақалар бўлади. Кейин факультетлар командалари ўзаро беллашадилар. Ана шу баҳсларда ғолиб чиққанлар шаҳар студентларининг мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишади.

Болалар хоккейни севишади

31-ЖЭК педагог-ташкилотчиси Р. Исоқов бир куни ишга кетаётганда ўзлари тайёрлаган ёғоч асбоблар билан консерва банкасини асфальт бўйлаб суриб юрган болаларни кўриб қолди. У болаларга яқинроқ келиб, уларнинг ўйинини томоша қилди. Кейин уларни ўз олдига чақириб, хоккей секциясига таклиф қилди. Болалар ниҳоятда хурсанд бўлиб кетишди.

Ҳозир чим хоккей секцияси ЖЭК қошидаги энг оммавий секциялардан бири ҳисобланади. Бу ерда қатъий график асосида машғулотлар ўтказилади. Болалар мусобақаларда қатнашиб яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Жумладан, 31-ЖЭК командаси чим хоккей бўйича катта ёшдаги болалар ўртасида ўтказилган Куйбишев райони биринчилигида ғолиб чиқди. Ўрта ёшдаги болалар ўртасида ўтказилган баҳсларда 15-ЖЭК вакилларининг қўли баланд келди. Кичик ёшдаги болалар ўртасида ўтказилган биринчиликда эса 21-ЖЭК командаси ғолиб чиқди. Ҳаммаси бўлиб чим хоккей мусобақаларида Куйбишев районида истиқомат қилаётган 500 дан зиёд бола иштирок этди.

АСОСИЙ РЕКОРД — САЛОМАТЛИК

ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИДА

Тошкент тўқимачилик комбинати спорт комплексининг югуриш йўлкалари, зал, сузиш ҳавзаси ва майдончалари доим одамлар билан гавжум. Комбинатда меҳнат қилаётганлардан 6 мингдан зиёд киши соғломлаштириш ишларига жалб қилинган.

Ҳозир корхонада спорт мусобақалари айни қизиган пайт. Барча фабрика физкультура коллективларида беллашувлар бўляпти. Тўқимачилар стол тенниси, шахмат, шашка, эстафетали югуриш бўйича ўзаро куч синашмоқдалар. Шунингдек, комбинат ётоқхоналарининг командалари ҳам биринчилик баҳсларини бошлаб юборишди.

Тўқимачилар орасида «Спортчилар оиласи», «Бўш келманг, қизлар!», спорт конкурслари Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Б. Жўраева ва Л. Казанцева совринлари учун ўтказиладиган мусобақалар тобора оммалашиб бормоқда.

СУРАТДА: комбинат яқинидаги 176-мактабда ётоқхоналар командаларининг волейбол бўйича турнири ўтмоқда.

А. Уличкин фотоси.

● ЯХШИ ДАМ —МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Тетиклик учун юриш



БУГУН

тонг саҳарда шаҳарликлар тушган ўнлаб автобуслар Чимён томон йўлга чиқди. Шаҳар дам олишини ташкил қилиш штаби томонидан белгиланган режимга кўра бугун ва эртага Чимёнда пойтахтимиздаги Киров районининг меҳнаткашлари ҳордиқ чиқаришади.

Тошкентдаги кўпгина корхоналар учун дам олиш кунларини тоғда ўтказиш анъанага айланиб қолди. Одамлар тоғ бағрига оиласи, болалари, чана ва чанғилар билан боришмоқда. Улар табиат қўйнида зерикишаётгани йўқ.

Дам олиш зонасига биринчи бўлиб район ошхоналар трестининг меҳнаткашлари келишди. Очиқ жойда чойхона, буфет ташкил қилинди. Шунингдек, район физкультура ходимлари ҳам қишки байрамни ўтказишга пухта ҳозирлик кўрдилар. Улар бу ерда қор устида мини-футбол, тош кўтариш, чанғида учиш бўйича мусобақалар ташкил қилишади.

Суратда: Чимён бағрида.

С. Таран фотоси.

ГТО НИШОНДОРЛАРИ

БУГУН

технологик ускуналар тажриба ремонт-механика заводининг бир группа ишчи ва хизматчиларига «Меҳнат ва СССР мудофаасига тайёр» Бутуниттифоқ физкультура комплексининг ҳужжат ва нишонлари топширилди.

ГТО комплекси корхона ишчилари ҳаётидан муқим жой олиб бормоқда. Бир йилдан буён бу ерда умумжисмоний тайёргарлик секцияси ишлаб турибди. Бу секцияда ишчи ва хизматчилар саломатлик комплекси нормативларини ўзлаштиришмоқда. Ҳар шанба ва якшанба кунларида физкультура коллективлари оммавий мусобақалар ташкил қилишади. Бу мусобақаларда кўплаб ишчи ва хизматчилар иштирок этадилар. Ҳозир корхонада меҳнат қилаётган ҳар икки ишчининг бири ГТО нишондоридир.

Тошкент—мамлакатга

ТЕЗ ВА СОЗ

Агар сиз геология-қидирув заводининг таъминот бўлимидаги мижозлар рўйхатига кўз ташласангиз унда Тюмень, Петропавловск, Томск, Иркутск, Сахалин, Ярославль, Хабаровск, Чита, Кросноярск, Улан-Уде, Воркута каби ўнлаб шаҳарларни кўрасиз.

«Узоқ Шарқ ва Сибирь буюртмалари — муддатидан илгари» шиори остида меҳнат қилаётган корхона коллективи мижозларнинг буюртмаларини тез ва соз бажариб бермоқда. Биргина ўтган январь ойи мобайнида 262 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Тошкентликлар биргина сибирлик буюртмачиларнинггина эмас, балки Ўрта Осиё ва РСФСРдаги геология-қидирув ташкилотларининг ҳам буюртмаларини тез ва соз адо этишмоқда.

БУГУН

Иркутск геологларига 972 сўмлик геология-қидирув дастгоҳлари учун ишлатиладиган асбоб-ускуналар нинг бир туркуми жўнатилди.

Корхона коллективи ўз маҳсулотининг сифатини яхшилаш борасида кўпгина ишларни амалга оширмоқда.

Эронда революция ғалаба қозонди

ХАЛҚАРО МАВЗУЛАРДА СУҲБАТ

Кўпдан бери кутилган воқеа рўй берди, эски дунё кучлари қўйган ҳар қандай тўсиқ ва ғовларга қарамай, муқаррар ғалабага эришилди. Халқ ғазабининг тўлқини шу тўсиқларни улоқтириб ташлади ва шоҳнинг порахўрлик билан булғанган халққа қарши режими унинг ғарбдаги, аввало, америкалик ҳомийлари билан бирга супуриб ташланди. Эронда монархияга, империализмга қарши ишчилар ва деҳқонлар, студентлар ва руҳонийлар, шунингдек миллий буржуазиянинг анча қисми қатнашган революция ғалаба қозонди.

Воқеалар борган сари тезлашиб кетди. Шоҳга қарши бир неча ой давом этган оммавий ғалаёнларни маъмурлар қонга ботира олмадилар. Экономикани издан чиқарган ялпи иш ташлаш шоҳни мамлакатдан жўнаб кетишга мажбур этди. Оппозиция бошлиғи Ҳумайни муҳожирликдан Эронга қайтиб келганидан кейин миллий демократик ҳаракатнинг ғоят кучайганлиги халқ қўзғолонига ва монархия режимининг ағдарилишига сабаб бўлди.

Қўзғолон кўтарган халқ шоҳ тайинлаган Бахтиёр ҳукуматини улоқтириб ташлади ва мамлакатни бошқаришни Бозоргон бошчилигидаги янги ҳукуматга топширди. Монархиянинг энг муҳим таянчи бўлган армиянинг асосий кўпчилиги қўзғолон кўтарган халқ томонига ўтди. Бахтиёр, шоҳ генераллари, охранканинг раҳбарлари ва собиқ режимнинг халққа қарши қонли репрессиялар учун жавобгар бўлган бошқа арбоблари қамоққа олинди ва улар революцион суд олдида жавоб берадилар. Шу кунларда пойтахтда ва жойларда шоҳ режимининг давлат ва жазо аппарати тугатилмоқда ва унинг ўрнига янги ҳокимият органлари тузилмоқда.

Бу органлар олдида мамлакатда янги, демократик жамият тузишдан иборат катта ва мураккаб бунёдкорлик вазифаси турибди. Ҳумайнининг энг яқин ёрдамчиларидан бири айтганидек, янги раҳбарлар Эрон экономикасида туб ислоҳотларни амалга ошириш, жумладан, нефть саноатини миллийлаштиришни пландаштирмоқдалар. Нефть саноати эса мамлакатни ҳар тарафлама иқтисодий ривожлантириш учун асос бўлади. Республика ҳукумати ерга феодал мулкчиликни тугатиши, ҳарбий чиқимларни кескин камайтириши, эрмида демократик ислоҳотларни амалга ошириши керак.

Ўз-ўзидан маълумки, ғарб монополиялари билан биргаликда мамлакатнинг асосий миллий бойлиги — нефтни талаб келган собиқ режим тарафдорлари — шоҳ генераллари, амалдорлар, катта ер эгалари капиталистлар ҳали таслим бўлганларича йўқ. Уларнинг дами ичига тушди ва энди океаннинг нарёғидан мадад берилишига умид қилиб, янги фитналар тайёрламоқдалар. Аммо шунга қарамай, Эрон ўз тарихида янги муҳим босқичга қадам қўйди, деб очиқ-ойдин айтиш мумкин. Бу янги босқичда мамлакатни империалистлар қарамлигидан халос қилиш ва халқ манфаатларини кўзлаб, чуқур социал-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун қулай шароит яратилмоқда.

Эрон революциясининг аҳамияти фақат шу мамлакатнинг ўз доираси билан чекланиб қолмайди. Бу революция Американинг реакция ҳарбий диктаторлик режимларини ўрнатиш стратегиясига жуда қаттиқ зарба берди. АҚШ империалистлари шу режимлар ёрдамида жаҳоннинг турли районларида ўз ҳукмронликларини сақлаб қолмоқчи бўладилар.

Куба, Вьетнамнинг, эндиликда эса Эроннинг тарихий сабоқлари ташқаридан бериладиган ҳар қандай мадад тарихнинг ўзи ўлимга маҳкум этган халққа қарши чирик режимларни қутқаза олмаслигини кўрсатди. НАТО мамлакатлари учун нефть етказиб берувчи асосий мамлакат ва ўзича бир хил «Форс кўрфазининг жандарми» ҳисобланган шоҳ монархиясининг ағдариб ташланганлиги эндиликда Қўшма Штатларни шу регионда ўзининг ҳарбий ва иқтисодий стратегиясини дарҳол қайтадан кўриб чиқишга мажбур этмоқда. АҚШ мудофаа министри Браун Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб қилаётган сафарида Исроил ва бошқа баъзи ғарбпараст араб режимлари иштирокида зўр бериб янги ҳарбий блок тузишга уринмоқда. Бу блок уни ташкил этувчиларнинг фикрича, Яқин ва Ўрта Шарқда миллий-озодлик ҳаракатларини бостириши керак бўлган жандармлик вазифасини ўз зиммасига олиши керак.

Аммо ҳамма фактлар шуни кўрсатиб турибдики, Эрондаги революция шу мамлакатнинг ўзидагина катта ижобий ўзгаришларга сабаб бўлиб қолмай, шунингдек Ўрта Шарқда бутун вазиятнинг ривожланишига ҳам қулай таъсир кўрсатади, шу районда тинчлик кучларини ва тараққиётни мустаҳкамлашга кўмаклашади. Бу ўзгаришлар ва таъсирларнинг қанчалик чуқур бўлишини яқин келажак кўрсатади.

В. СЕРОВ, [ТАСС].

Ҳамза ва Куйбишев районлари мусобақаси

ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ
МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

ТЎРТ ЙИЛЛИК ПЛАН — СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИГАЧА

Шаҳар статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, Ҳамза райони саноати маҳсулот реализация қилиш бўйича январь ойи планини 102,3 процент, Куйбишев райони 101,4 процент; ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича эса 101,8 ва 100,7 процент адо этишди. Ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръати 108,8 ва 108,1 процент адо этилди.

Меҳнат унумдорлигини юксалтириш бўйича план Ҳамза районида 102 процент, Куйбишев районида 101,2 процент бажарилди; ўтган йилнинг шу даврига нисбатан меҳнат унумдорлигини юксалтириш суръати 106,8 ва 106,8 процентни ташкил этди. Бунда Ҳамза районида ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 78,4 процентига; Куйбишев районида 83,9 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш ҳисобига эришилди.

Мусобақадош районларда барча корхоналар асосий кўрсаткичлардан бўлган маҳсулот реализацияси ҳажми бўйича топшириқни адо этдилар. Бироқ Ҳамза районида уч корхона ишлаб чиқариш ҳажми бўйича планни бажара олмади. Меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича топшириқларни биринчи районда тўрт корхона, иккинчисида уч корхона уддалай олмади.

Ҳамза райони саноати январь ойида планга нисбатан 87,9 процент маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқарди. Куйбишев районида бу кўрсаткич 100,9 процентни ташкил этди. Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 121,3 ва 115,8 процент ўсди.

Ҳамза районида 8 цех, 39 бригада ва участка, 347 ишчи, Куйбишев районида 4 цех, 24 участка ва бригада, 138 ишчи планни уддалай олишмади.

Қурилиш-монтаж ишлари плани (марказлашган молиявий манбалар) 1978 йилда Ҳамза районида 94 процент, Куйбишев районида 88 процент бажарилди; 1978 йилда турар жойларни фойдаланишга топшириш плани 101,1 ва 100 процент адо этилди.

Ҳамза ва Куйбишев районлари саноат корхоналари меҳнаткашлари 1979 йил учун социалистик мусобақа бўйича шартнома тузиб, маҳсулот реализация қилиш бўйича йиллик топшириқни 20 декабрдан кечикмай бажариш ва планга қўшимча 36,9 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олишди.

Белгиланган вазифаларни адо этишда СССР Конституциясининг икки йиллигига қадар беш йилликнинг тўрт йили планини бажариш учун социалистик мусобақа айниқса муҳим роль ўйнаши лозим. Районларнинг 18 меҳнат коллективи 1976-1979 йиллардаги давлат топшириқларини шу йилнинг 7 октябрига қадар бажариш мажбуриятини олишди. Булар қаторида 4-дон маҳсулотлари комбинати, ёғ-мой комбинати, «Союзэлектромельстрой»нинг тажриба-механика заводи, 3-ун заводи, экспериментал металл конструкциялар заводи, мебель ойналари фабрикаси, Ўзбекистон карлар жамиятининг 3-ўқув ишлаб чиқариш корхонаси ва бошқа коллективлар бор.

Индустрия ходимлари шуни яхши биладиларки, янги техникадан фойдаланишга, ишлаб чиқариш резервларини қидиришга эътибор берилганда ҳар бир цех, участка, бригада унумли ва қолоқларсиз ишлаш учун интилгандагина мустаҳкам муваффақиятларга эришиш мумкин.

Самолётсозлик заводи, «Узбекхлопкомаш» бирлашмаси, «Газоаппарат», «Эталон», грампластинкалар заводлари, 1-уйсозлик комбинати каби январь ойи топшириғини муддатидан илгари бажарган, сўнгги йилда ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот реализациясини 8—20 процентга ўсишини таъминлаган коллективлар ишни ана шундай ташкил этишяпти.

Планга қўшимча маҳсулот реализация қилиш бўйича йилнинг биринчи ойи учун белгиланган социалистик мажбуриятларни озиқ-овқат саноати, тажриба-механика заводи, Қўйлиқдаги кўприк темир-бетон конструкциялари, иссиқлик изоляцияси, тажриба заводи, ёғ-мой комбинати ва бошқа коллективлар ортиғи билан адо этишди.

Булар ҳаммаси икки район саноати ходимларига январь ойида планга қўшимча 2.077 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш имконини берди.

Мамлакат халқ хўжалиги қўшимча талайгина кабель маҳсулотлари, трактор прицеплари, техник картон, омухта ем, ун, крупа ва бошқа сифатли маҳсулотлар олишди.

Шу билан бирга бир қатор коллективлар планларини адо этиб, белгиланган марраларга етишмади, лозим бўлган техника-иқтисодий кўрсаткичларга эришишмади. Бир қатор корхоналарда топшириқлар катта бўлмагани учунгина бажарилди. Масалан, синтетик ювиш воситалари заводини олайлик. Бу ерда 1028 минг сўмлик ёки планга қўшимча 28 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу кўрсаткич эса йиллик ишлаб чиқариш ҳажмининг 5,6 процентини ташкил этади. Шу билан бирга ўтган йил шу даврга нисбатан заводда январь ойида 700 минг сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ҳозир квартал планини бажариш учун февраль ва март ойларида январь ойига нисбатан маҳсулот ҳажмини 1,7 баравар ошириши лозим. Қўйлиқдаги 2-темир-бетон конструкциялари, трактор ва экскаватор заводларида ҳам худди шундай аҳвол юзага келди.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича план - топшириқларини «Энергостройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси, синтетик ювиш воситалари заводи, енгил металл конструкциялар, 6-темир-бетон буюмлари заводлари ҳам уддалай олишмади.

2 ва 6-темир-бетон конструкциялари, «Ташсельмаш», санитария-техника ускуналари, трактор, экскаватор, лак-бўёқ заводларида, «Энергострой-индустрия» бирлашмасида ва бошқа корхоналарда бир қатор цехлар, участкалар ва бригадалар ойлик топшириқни уддалашолмади. Улар ишлаб чиқаришда моддий-техника таъминоти яхши эмаслиги туфайлигина эмас, балки меҳнатни ташкил этиш дуруст эмаслиги, ускуналардан яхши фойдаланилмаётганлиги туфайли планни бажаришолмай қолди. Кўпгина коллективлар давлат планида белгиланганидан анча кўп кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш мажбуриятини олишди.

Масалан, Ҳамза райони меҳнаткашлари бу йил қўшимча 5,6 миллион сўмлик кенг истеъмол буюмлари беришга қарор қилишди. Бу демак, ҳамзаликлар савдо ташкилотларига январь ойининг ўзида планга қўшимча камида 460 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари юборишлари керак эди. Аслида планда белгиланганидан 420 минг сўмлик кам маҳсулот берилди.

Ҳозир меҳнат коллективлари зарбдор вахтада туриб, СССР Олий Советига сайловлар кунини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўришяпти. Уларнинг кўпчилиги социалистик мусобақада пешқадамлик қилиб, тўрт йиллик топшириғини СССР Конституцияси кунига қадар адо этишга интилишяпти. Ҳар бир иш жойида юксак меҳнат кўрсаткичларига эришиш учун кураш мусобақанинг ҳар бир иштирокчисининг бурчи.

Маҳбуба Азимова бир неча йиллардан буён химия-фармацевтика заводида баракали меҳнат қилиб келмоқда. Коммунистик меҳнат зарбдори бўлган бу ишчи ишлаб чиқариш топшириқларини 40—50 процентга ошириб адо этмоқда. Унинг шу кунлардаги мақсади СССР Олий Советига бўлажак сайловлар кунини шахсий меҳнат армуғони билан кутиб олишдир.

М. Нуриддинов фотоси.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

● **Оҳангарон районида «Социалистик мусобақа, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати — омма ижодий активлигини ўстиришнинг ва янги кишини тарбиялашнинг муҳим воситаси» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди.** Конференцияда шу соҳада тўпланган тажрибани кенг қўлланиш бўйича тавсиялар берилди.

● **Область касаба союзлари Совети касаба союзларининг 1978 йил иккинчи ярмидаги таркиби ҳақидаги статистик ҳисоботини кўриб чиқди.** Ҳозирги кунда областда 7423 бошланғич касаба союз ташкилотлари бўлиб, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг 68 касаба союз комитети, ҳунар-техника билим юртларининг 53 касаба союз комитети бор. Уларда 1 миллион 373 минг ишчи, колхозчи, хизматчи, студент ва ўқувчи меҳнат қиляпти ва билим оляпти.

Ўтган йили область касаба союзлари курслари ва уларнинг бўлимларида ҳамда мактабларида 158 мингдан ортиқ касаба союз ходимлари ва активистлари малака орттиришди.

• *Йиллар ва тақдирлар*

ИШЧИ ИҚБОЛИ

ОЧЕРК

1942 йилнинг ёз фасли эди. Чирчиқ шаҳрини оралаб оқаётган Бўзсув бўйида бир ўспирин хаёл суриб ўтирарди: «Қизиқ, сув ҳеч маҳал текис оқмайди. Баъзан шиддат билан, баъзан секин оқади, дўнгликларни айланиб ўтади... Бефаросат кишилар ариққа ахлат ташлайдилар. Сувнинг бундайларга танбеҳ берай деса— тили йўқ-да...»

Нуроний бир чол ўспириннинг ёнига келди.

— Ҳа, Собитжон ўғлим, нима қилиб ўтирибсан бу ерда?

— Ўзим... шундай, — деди ўспирин ўрнидан тураётиб, — Сувнинг оқишини томоша қилиб ўтирибман..

Собит ҳозиргина кўнглидан кечирган гапларни мўйсафидга айтиб берди.

— Тўғри айтасан, ўғлим... — Қария унинг фикрини маъқуллаб, бош ирғаркан, сўзида давом этди.— Инсон умрини оқар сувга ўхшатадилар. — Мўйсафид хиёл ўйга ботиб, қўшиб қўйди: Инсон ҳам ўз умрида пастга тушади, баландга чиқади, гоҳо текис кўчадан, гоҳо тиканаклар устидан юради. Лекин ҳамма нарса одамнинг ўзига боғлиқ. Дунёда сувмижозлар ҳам бўлади. Ҳар нарсага кўникади, ҳалолни ҳам, ҳаромни ҳам ўзига сингдираверади. Ушанақалардан асрасин. Юр, борайлик, нонушта тайёр бўлгандир...

* * *

Собит Зокиров шаҳарнинг Герман Титов маҳалласида истиқомат қилади. Оилапарвар, хушмуомала, одамижон инсон. Ўзи заводда ишлайди. Ишхонада ҳам, маҳаллада ҳам ҳурмати жойида. Яқинда завод коллективи билан маҳалла аҳли унинг 50 йиллик тўйини тантана билан ўтказди.

Донишманд Максим Горький, ҳар бир инсоннинг ҳаёти — бир китоб, деган эди. Собит Зокировнинг ҳам ҳаёт китобини варақлаб кўрсангиз, унинг бугунги кунларга осонликча етиб келмаганига ишонч ҳосил қиласиз. У қадимги Қаймоқ-бозор яқинидаги Бодак маҳалласида туғилди. Лекин болалик лаззатини тотиш унга насиб этмади. Икки ёшдан бошлаб амакиси— Ҳосил аканикида тарбиялана бошлади. Отаси — Обид ака ҳам, ойиси Ойпопук опа ҳам ҳаёт эди. Бироқ оила бузилиб, ўртадаги бола—Собит тирик етим бўлиб қолган эди. Обид ака ҳар замонда Чимкентдан келиб, ўғлини кўриб кетарди. Ойпопук ҳам шу мақсадда Бўзсув бўйидаги қишлоғидан ўқтин-ўқтинда келиб турарди.

Йиллар ўтди. Бола эсини таниб, кучга кираётган маҳалда ойиси билан бир киши келиб, уни Бўзсув бўйидаги қишлоққа олиб кетди.

Ойиси билан келган киши унинг ўгай отаси Абдусаттор ака эди. 1942 йилнинг кўклам фасли эди ўшанда. Собит роппа-роса ўн тўрт ёшда эди. Ўгай отаси Абдусаттор ака чойхоначи экан. Собит чойхонада ёрдамлашиб юриб, кўп нарсаларни билиб олди.

Қорамозор қишлоғида яшайдиган Бегмат амаки тутинган ота сифатида Абдусатторни уйлантириб қўйган экан. Абдусатторнинг хотини бир неча йилдан кейин тўсатдан ўлиб қолибди... Абдусаттор тижорат ишлари билан Тошкентга келганида Бодак маҳалласидаги қариндоши— чўтир кампирникига кириб ўтаркан. Ойпопук ана ўша чўтир кампирнинг қутқуси билан Обид акадан ажралиб, Абдусаттор чойхоначига тегибди. Бунинг иснодига чидай олмаган Обид ака эса Чимкентдаги қариндошлариникига кетиб қолган экан.

Қорамозор қишлоғида турадиган Бегмат ота ҳар замонда Бўзсув бўйидаги қишлоққа келиб турарди. Абдусаттор чойхоначи ҳам отахони— Бегмат отани кўргани Қорамозорга бориб келарди. Баъзан ўгай ўғли Собитни ҳам бирга олиб борарди.

Бегмат ота мулоҳазакорлиги ва сўзлаганда халқ ҳикматларини қўшиб гапириши билан Собит таниган кўп одамлардан анча фарқ қилар эди. Ота ўзининг кичик ўғли Жўравойни яқиндагина уйлантириб, алоҳида ҳовлига чиқарган эди. Катта ўғли Йўлдошали урушга кетиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлибди. Келини — Ўғилжон тўрт фарзанди — Умуржон, Ортиғали, Маҳмудали, Муҳаррам деган ўғил-қизлари билан тул қолганда Бегмат ота уларни ҳам ўз бағрига олган экан.

Бегмат ота Собитда қанча яхши таассурот қолдирган бўлса, у ҳам отага шунча ёқиб қолган эди.

— Ўғлим, мана, бизнинг уйни кўриб олдинг, — деди Бегмат ота бир куни ўспиринга. —Келиб тургин. Жўравойни ўз акангдай, мени ўз бувангдай билгин. Оёғингни узиб кетма. Бирор нарсага муҳтожлик сезсанг, тортинмай сўрагин... Хўпми?

— Хўп. Раҳмат, буважон...

Собит хушнуд кайфиятда Тошкентга қайтди. Бегмат отанинг сўзини ерда қолдирмади, Қорамозор қишлоғига бот-бот бориб турди. Баъзан Жўравойнинг ёнида кун бўйи ток очишарди, куз пайтлари ток кўмишарди, баъзан соатлаб Бегмат отанинг сўзларини тингларди...

1948 йилнинг охирида Собит Совет Армияси сафига чақирилди. Кишинёв шаҳри яқинидаги ҳарбий кисмлардан бирида хизмат қила бошлади. Уруш тамом бўлганидан буён бир неча йил ўтганига қарамай, ҳали ҳам унинг асорати ҳамма жойда ўзини кўрсатиб турарди. Собит сапёр-миньор бўлинмасида эди.

У хизматда ўзини кўрсатиб, взвод командирининг ёрдамчиси даражасига кўтарилди, сержантлик унвонини олди.

Батальон жангчилари кўрсатилган жойларни мина ахтарувчи қурол билан қадаммба-қадам текширардилар. Миналаштирилган нуқталар ҳар куни тўрт-беш жойда аниқланиб, зарарсизлантириларди.

Бир куни ҳарбий қисмга хабар келди: ўрмонга кираверишда икки бола ўйнаб юриб, мина портлашидан ҳалок бўлган экан. Талофат юз берган жойга Собит Зокиров бошчилигидаги взвод жангчилари етиб боришди. Ерда сочилиб ётган, дарахт шохларида илиниб турган парча-парча гўштларни кўрган жангчиларнинг кўзларига ёш қалкди... Сапёрлар ишга тушдилар. Ер остидан бутун бир қурол-яроғ омбори топилди...

Собит 1951 йил охирларида ҳарбий хизматдан қайтди. Аввал отаси Обид акани кўриб чиқди (Бу вақтда Обид ака Чимкентдан кўчиб келиб, Тошкентда яшаётган эди). Сўнгра Бўзсув бўйидаги қишлоққа йўл олди.

Собит Бўстонлиққа — Бегмат отаникига ҳам борди. Бирмунча вақт ўша ерда юрди. Бегмат отанинг хўжалик ишларига қарашди. Отахоннинг невaралари анча улғайиб қолишибди. Айниқса, тўнғич невара— Умуржон кўҳликкина қиз бўлибди...

Собит 1953 йили шаҳарга қайтиб, савдо соҳасига ишга кирди, Карл Маркс кўчасидаги универсал магазинида ишлай бошлади. Бироқ вақт ўтиши билан сотувчилик ишидан кўнгли совиди. Пайтини топиб, яна Бегмат ота ёнига жўнади.

— Аввалги келганингда бир-икки марта оғиз ўнгладим-у, тағин кел, қўй, дедим ўзимча. — Бегмат ота унга гап уқдирди. — Сенга савдо иши бўлмайди, болам. Шундай жойда ишлагинки, ҳеч кимдан тилинг қисиқ бўлмасин!..

— Бирор заводда ишласам, девдим.

— Яхши бўлади. Мабодо заводнинг иши кўнглингга ёқмаса, қишлоққа кел. Иш топилади...

Шундай қилиб, Собит Зокиров 1955 йилнинг сўнггида Тошкентдаги аккумулятор заводига ишга кирди. Бу ерда у аккумулятор пластинкалари тайёрлашни ўрганди. 1963 йили заводнинг номи ўзгариб, — 8-экспериментал-ремонт заводи бўлди. Собит бу пайтда электр пайвандчилик касби бўйича разрядини оширишга эришди...

Бир гал Собит Бўстонлиққа ўзининг ўрнига бир неча қадрдон дўстларини жўнатди. Гап шундаки, улар Бегмат отанинг невараси Умуржонни Собитга сўраб — совчи бўлиб боришган эди. Ота меҳмонларнинг мақсадини билиб, дарҳол кампири— Норбуви холага, келини Ўғилжонга маслаҳат солди. Улар майли дейишди. Қизнинг ўзидан ҳам кўнгил сўрадилар. «Ихтиёр сизларда, отаонам мени ўтга ташлармиди», деб жавоб берди Умуржон. Шу тариқа Қорамозор қишлоғида Собит билан Умуржоннинг тўйлари бўлди. Икки ҳафталардан сўнг Тошкентга кўчиб келдилар.

Завод 1957 йили Собит Зокировга ҳам Оқтепа массивидан участка берди. У ўз оиласини қуруқ участкага кўчириб келди.

Собит Зокиров касбига меҳр қўйди, малакасини ўстириб, планларни ҳамиша ошириб бажарадиган бўлди.

У ўз станогида асосан «ГАЗ—51», «ГАЗ— 24», «ГАЗ—53» машиналарининг тирсакли валини ясайди, аниқроғи шундай қисмларнинг эскирган, ейилиб кетганларини қайтадан қолипга солиб, ишлов беради. Ўз-ўзидан маълумки, бу иш осон эмас, ниҳоятда диққат-эътиборни, синчковликни талаб этади. Тўғри, дастлабки йиллари анча қийналди. Бора-бора ҳаммаси изга тушиб, рўзғор ҳам тикланаверди, участка қурилиши ҳам давом этаверди. Биринчи фарзанд—Тоҳиржоннинг кетидан Баҳодир, Ботир, Шокир, Шуҳрат, Шавкатлар туғилди.

— Биттаси ҳам қиз бўлмади-я!— дейди Собит Зокиров кулиб. —Ҳар сафар қиз туғилармикан, деб кўз тикаман. Биронтаси қиз бўлиб туғилса, ойисига ёрдамчи бўларди-да...

Завод коллективи Собит Зокировни илғор, тажрибали ишчи сифатида эъзозлайди. У Тошкент шаҳар Советининг депутати.

Аҳилликда хислат кўп экан. Ҳозир Собит Зокировнинг оиласида ҳамма нарса муҳайё, Фарзандлар бирин-кетин вояга етяпти. Тоҳиржон Ленинграддаги олий ҳарбий ўқув юртларидан бирида. Баҳодир билан Ботир Тошкентдаги олий ўқув юртларида таҳсил кўряпти. Шокир рассом бўлмоқчи. Шуҳрат билан Шавкат эса мактабнинг аълочиларидан.

Собит Зокиров ўзининг ҳалол меҳнати билан фаровон ҳаёт кечиряпти.

Оддий ишчининг ибратли ҳаёт йўлига назар ташлаганда беихтиёр отахон шоиримиз Ғафур Ғуломнинг қуйидаги сатрлари ёдга тушади:

Тақдирин қўл билан яратур одам,
Ғойибдан келажак бахт бир афсона.
Саодат инсоннинг ўз ҳунаридир,
Тақдирнинг қудрати эмас баҳона.

Ҳа, Собит Зокиров ҳам ўз тақдирини ўз қўли билан яратди. Ҳаётга, ҳалол меҳнатга бўлган меҳр уни ишчи Жанобининг олийларидан бирига айлантирди. Оддий ишчининг иқболи бу.

Оқилжон ҲУСАНОВ.

Бизнинг интервью

Кадрлар ҳақида ғамхўрлик

- Қурилишларга малакали ишчилар керак
- Меҳнат ва маиший шароит яхшиланмоқда
- Устозлар билан бир сафда
- Касб танлашга катта эътибор

Куни-неча КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Малакали кадрлар тайёрлашни янада яхшилаш ва уларнинг қурилишда доимий ишлашини таъминлаш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Унда кейинги йилларда қурилишларнинг техникавий даражасини ошириш, унинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, катта қурилиш ва монтаж ташкилотлари шахобчаларини тузиш ҳамда малакали бинокорлар тайёрлаш соҳасида жуда кўп ишлар амалга оширилганлиги уқдириб ўтилади. Шунингдек, бу соҳада айрим камчиликлар ҳам борлиги, уни тузатиш учун бинокорларнинг меҳнатини ташкил этишни, уларнинг уй-жой, маданий-маиший шароитларини яхшилаш бўйича бир қатор тадбирларни амалга ошириш лозимлиги кўрсатилган.

— Партия ва ҳукуматимизнинг мазкур қарорида, — деди мухбиримиз билан суҳбатда Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари О. У. Умаров, — малакали кадрларни қурилиш ташкилотларда доимий ишлаб қолишини таъминлаш учун қандай ишларни амалга оширишимиз лозимлиги хусусида муҳим ва қимматли маслаҳатлар берилган. Қарор барча қурилиш ташкилотлари раҳбарларининг фаолиятида дастуриламал бўлади.

— Одил Умарович, маълумки, йил сайин бинокорлар олиб бораётган ишларнинг ҳажми ўсиб боряпти, улар замонавий фан ва техника негизида мураккаб лойиҳаларга эга бўлган ноёб иншоотлар қуришяпти. Бунга шаҳримизда кейинги йилларда қурилган иншоотлар мисол бўла олади...

— Ҳа, ҳозирга келиб пойтахтимизда ҳар қандай кишининг ҳам ҳавасини келтирадиган, уни лол қолдирадиган мураккаб конструкцияли, осмонўпар иншоотлар бунёд этилмоқда. Шу кунларда Халқлар дўстлиги майдонида кино-концерт зали, эски Туркман бозори ёнида 16 қаватли тажриба турар жой биноси, Оҳунбобоев майдонида 20 қаватли «Москва» меҳмонхонаси, «Ғалаба» парки ёнида радио-телевизион минора каби кўплаб иншоотлар қурилиши жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Бу иморатларни барпо этишда пойтахтимизнинг кўп йиллардан буён қурилиш соҳасида ҳалол меҳнат қилиб келаётган бинокорлари фидокорлик намуналарини кўрсатишмоқда.

Йил сайин Тошкент бинокорларининг зиммасидаги иш ҳажми ва масъулияти ўсгани сайин малакали бинокор кадрларга бўлган талаб ҳам ортмоқда. 1979 йилда Бош бошқармамиз коллективи ўз кучлари билан 243,3 миллион сўмлик қурилиш ишларини амалга ошириши керак. Бу вазифани ҳал этиш учун план бўйича 27353 нафар қурувчи меҳнат қилиши лозим. Шу йилнинг бошида коллективимизда 24313 нафар бинокор бор эди. Бинокорлик саноати корхоналарида эса беш йилликнинг тўртинчи йилида 102 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши керак. Бу топшириқни уддалаш учун 7190 нафар бинокор меҳнат қилиши даркор. Бироқ бинокорлик саноати корхоналаримизда ҳам қурувчи кадрлар етишмайди.

Шунинг учун Бош бошқарма раҳбарлари қурувчилар сони кам бўлсада, бу муҳим вазифаларни амалга ошириш учун бир қатор тадбирларни ишлаб чиқди. Шунга кўра бу йил қурувчи мутахассислар тайёрланадиган 22, 40, 63, 158 ва 171-шаҳар ҳунар-техника билим юртларининг битирувчиларидан 1700 ўсмирни бўлинмаларимизга ишга қабул қилмоқчимиз.

Партия ва ҳукуматимизнинг қарорида билдирилган йўл-йўриқларга кўра, билим юртини тамомлаган йигит ва қизлар малакали бригадаларда ишлашади. Шаҳар ҳунар-техника билим юртини битирган 650 нафар ёш мутахассис республика комсомол зарбдор қурилиши деб эълон қилинган. Халқлар дўстлиги майдони комплексидаги бинокорлик ишларини бажараётган 11-«Висотстрой» трестига, 50 ёш Қурилиш механизацияси трестига юборилади. Улар пойтахтимизнинг таниқли бинокорлари раҳбарлигида меҳнат қилишади.

— Маълумки, «Главташкентстрой» базасида бир қанча ҳунар-техника билим юртлари мавжуд. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Малакали кадрлар тайёрлашни янада яхшилаш ва уларнинг қурилишда доимий ишлашини таъминлаш чоралари тўғрисида»-ги қарорида қурилиш ташкилотлари ўзларининг ҳисобидаги ҳунар-техника билим юртларини замонавий жиҳозлар билан қуроллантиришга катта эътибор беришлари лозимлиги айтилган. Бу борада Бош бошқарма қандай ишларни амалга оширмоқда?

— 1979 — 1980 йилларда ҳунар-техника билим юртларига 44 дона ёғочни қайта ишлаш дастгоҳлари ва электромеханизациялашган асбоб-ускуналар етказиб берамиз. «Оргтехстрой» трестининг мутахассислари ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари учун 30 та слесарлик дастгоҳлари тайёрлаб беришади.

Улкан объектларда махсус витриналар, замонавий қурилиш материаллари, механизмлари ва жиҳозларини намойиш этувчи стендлар ташкил этилади. Ҳунар-техника билим юртлари кенгайтирилади. Бу йил Юнусободда 720 ўринли яна бир ҳунар маскани қурилиши тугалланиб ишга туширилади. Шунингдек, Акмал Икромов районида ҳам шунча ўринга мўлжалланган ҳунар-техника билим юрти қурилади. Билим юртининг ўқув-ишлаб чиқариш базасини яхшилаш, кадрлар тайёрлаш ишларини такомиллаштириш мақсадида ўқув комбинати ёнида 200 квадрат метр саҳнга эга бўлган устахона ташкил этилади.

Тўққизта райондаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларида юзлаб турли мутахассислар тайёрланади. Бош бошқарманинг бу комбинатларига керакли барча жиҳозлар, асбоб-ускуналар, материаллар, кўргазмали агитация воситалари ажратилади, ўқув полигонлари ремонт қилинади, янгилари қурилади.

— Бинокорларнинг маиший шароитларини яхшилаш, объектларда умумий овқатланишни ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Кейинги пайтларда объектларда турли шовқинларни йўқотувчи қурилмалар, қурувчиларнинг дам олиш хоналарига кондиционерлар, калориферлар ўрнатиляпти. Барча қурувчиларимиз махсус кийим-бош билан таъминланган. 1979 ва 1980 йилларда шаҳардаги қурилиш объектларида 700 кишига мўлжалланган янги ошхоналар ва буфетлар қуриб фойдаланишга топширилади. Бу мақсадни амалга ошириш учун 147 минг сўм ажратилган.

Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармаси Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг умумий овқатланиш бошқармаси билан биргаликда «Главташкентстрой» объектларида умумий овқатланишни яхшилаш тадбирлари ҳақида қарор қабул қилишди. Бу қарор шу кунларда ҳаётга татбиқ этиляпти.

«Главташкентстрой» бўлинмаларининг партия ва жамоат ташкилотлари партия ва ҳукуматимизнинг қарорига жавобан шаҳримизда юксак малакали бинокор мутахассисларни тарбиялаш, уларни қурилишларда доимий ишлашини таъминлаш бўйича жуда катта ишларни амалга оширадилар. Улар КПСС XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, пойтахтимизда уй-жойлар ва маданий-маиший объектлар қурилишини янада авж олдиришади.

Суҳбатни А. НИЕЗОВ ёзиб олди.

Жаҳон ойнаси

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЁРДАМИДА

ДАККА. Бангладеш Халқ Республикасининг муҳим саноат маркази —Читтагонгдаги электр техника ускуналари заводи дастлабки маҳсулотни чиқарди. Завод Совет Иттифоқининг техникавий ёрдамида қурилган. Корхона ишлаб чиқараётган юқори вольтли аппаратура мамлакатни электрлаштириш учун зарурдир.

Читтагонгдаги заводни ҳақли равишда Совет — Бангладеш ҳамкорлигининг рамзи деб айтишади. Совет мутахассисларининг катта отряди ўз билим ва тажрибасини бангладешлик ишчи ва инженерларга ўргатмоқда.

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

АДАН. Яман Социалистик партияси Марказий Комитети билан Яман Халқ Демократик Республикасининг ҳукумати Совет Иттифоқининг ҳар томонлама, беғараз ёрдамини юксак баҳолайдилар, деди Яман Социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси Анис Ҳасан Яҳё. У Совет—Яман иқтисодий ҳамкорлигининг ўн йиллигига бағишланиб бу ерда ўтказилган тантанали кечада сўзга чиқиб, яна бундай деди: ана шу йиллар давомида Демократик Яман халқи мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш режаларини амалга оширар экан, Совет Иттифоқидек дўстларининг ёрдами ва мададига таянди. Уларни биз стратегик иттифоқчиларимиз деб ҳисоблаймиз, деб таъкидлади А. Ҳ. Яҳё. Ўтган ўн йил мобайнида Яман—Совет ҳамкорлиги янги поғонага кўтарилди, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий соҳаларни қамраб олди.

Яман социалистик партияси тузилгандан кейин партиялараро ва ҳукуматлараро алоқалар янада кўпроқ мустаҳкамланди, халқларимизнинг дўстлик ва қардошлик муносабатлари янада ривож топди, деди пировардида Анис Ҳасан Яҳё.

Қишнинг совуқ кунлари қушларга дон топиш осон эмас. Польшалик ўқувчилар ана шундай оғир вақтда ҳамиша уларга ёрдам беришга ошиқадилар.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Роҳатда, фаровон турмушда яшашни тиласак, ишларимизни яхши йўлга қўйишимиз, ғайрат ва матонат билан ишлашимиз лозимдир.

● Олижаноб, мард ва саховатли одам ширин мевали бир дарахт ҳукмидадирки, ҳар ким уни севади. Бахил, қурумсоқ кишини ҳеч ким иззат ва ҳурмат қилмайди.

● Бугунги неъматга шукр эта билиш келгуси кунда ҳам неъматга лойиқ эканликни исбот қилишдир.

● Алишер Навоий айтади:
Эрга шараф келмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёу адаб.
Чунки ёғин манбаи ўлди ҳаё,
Қатраси тупроқни қилур киймиё.

● Шайх Саъдий айтади:
ҲИКОЯТ. Ичкиликни тўйгунича ичиб гандираклаб кетаётган фосиқ маст киши бир фозил, оқил, доно одамни ёқасидан ушлаб, уни уриб ҳақорат қилди. Фозил одам эса нобакор мастнинг жабр, зулмига чидади, у билан олишмай сукут этди. Буни кўриб турган бир киши фозилнинг ёнига келиб:
— Шу адабсиз маст одам сизни уриб ҳақорат қилса ҳам индамай сабр этиб турасиз. Сиз ҳам уриб бу ярамаснинг адабини берсангиз бўлмайдими? — деди.
Фозил одам унга:
— Ичкилик одамни ишдан бутунлай чиқаради. Маст одам нима қилганини, нима сўзлаганини билмайди. Энди мен у билан олишсам жоҳилликда у билан менинг орамда нима фарқ қолади. Ақлли одамнинг маст-аласт билан жанжал-жадал қилиб ўтириши муносиб эмасдир, — деб жавоб берди.
Байт:
Киши санчиқ сўз айтса, санчиқ ондан
Ёмондан қоч, ёмондан қоч, ёмондан!

● Шайх Фаридуддин Аттор айтади:
Кимки сўзни билмайин фарёд этар,
Бегумон, ўз жонига бедод этар.
Сўзни яхши билмайин қилма баён,
Ким, қилурсан жумла айбингни аён.
Эки сўрдинг қайси бир йўл яхшироқ,
Неча ким сўзламасанг, ул яхшироқ.
Кимки жабру зулм бўлди пешаси,
Оқибат кесгай оёғин тешаси.

Тил ва сўзни пок тутиш

Олимлардан Низомиддин ибн Ҳусайн айтади:
— Боболаримиз: «Сўзлаганинг кумуш бўлса, тек турганинг олтиндир» деганлар. Бунга қараганда, ҳар ерда сўзламасдан жим ўтиришга тўғри келади. Лекин боболаримиз: «Ўринсиз, маъносиз сўзлаганингдан кўра, тек турганинг яхшироқ» демоқчидирлар.

Ҳар ишнинг ўзига мажус одоби бўлгани каби, сўзлашнинг ҳам ўлчови ва одоби бордир. Сўзга ёлғон қўшиш, бировнинг иззат, нафсига тегадиган сўзларни сўзлаш ва шунга ўхшаш ярамас сўзлар зарар етгизмасдан қолмайди. Шунинг учун донишмандлар «Кўп ўйла, оз сўзла, сўзинг яхши бўлса, сўзла, бўлмаса тек тур, маъносиз олди-қочди сўзлар сўзлашдан тилингни тий», деганлар.

Ёрдамлашмоқ

Бу дунёда кўп ишни ёрдамсиз қилиб бўлмаслигини ҳар ким билади. Шунга кўра бир кишининг кучи етмайдиган ишига ёрдам бериш ақл ва виждон юзасидан ҳар бир инсонга керакли бир ишдир. Фақат бир кишининг ярамас ишларига ёрдам бериш зўр гуноҳдир, ақл, виждон, бундай ёрдамни манъ этади.

Агар бир одам бошқа бир одамнинг оғир кунларида унга ёрдам этса, ўзи ҳам, мабодо, шундай кунларга тушганда, ёрдамчилари, кўмак берувчилари, меҳрибонлари кўп бўлади.

Агар бир киши шафқатсиз, марҳаматсиз бўлса, унинг бошига ҳар қандай оғир, машаққатли иш тушса, ҳеч ким унга ёрдам қўлини чўзмайди. Бир улуғ донишманд: «Одамларнинг яхшироғи одамларга фойда етгизганидир» деб тўғри айтган.

Ичкилик зарари ҳақида

Олим, фозил Ризоуддин ибн Фахриддин айтади:
— Хотини ва болалари бор одам қадаҳга қуйилган ичкиликни қўлига кўтарса, нима сўзларни сўзлай олади? Тили сўзламаса ҳам дили ушбу сўзларни айтади: «Эй азиз оилам, сизларга қолдириб кетадиган давлатим йўқ, дунёда нима топган бўлсам ушбу шиша билан қадаҳ ҳаммасини битирди».

Одам боласи ақлли, ғайратли бўлиб дунёга келади, лекин унинг ақлини, ғайрат ва ижтиҳодини ичкилик битиради. Дунёда ҳар нарсани аксинча кўрсатиб турувчи нарса ичкиликдир. Яхшини ёмон, ёмонни яхши, каттани кичик, кичикни катта, озни кўп, кўпни оз кўрсатувчи ичкиликдир. Бир кишига ичкилик қадаҳини берувчи одам у бечоранинг виждонини ва бир оиланинг умидини ўлдириб энг буюк жиноят ишлаган бўлади.

Ичкилик зарари отадан болага юқади, яъни боланинг тани ёки ақли кучсиз бўлади. Ичкилик ичувчи одам кишига ишонмайди, бирор ишга қарор бера олмайди, ирода ва нияти бутунлай тўхтайди.

Оналар етти ёш билан ўн етти ёш орасида бўлган болаларининг кўз олдиларида ҳар хил ҳолда бўлган мастларнинг расмларини қўйиб туришлари керак. Болалар мастларнинг прганчли ҳолларини, қиёфаларини кўриб қўрқадилар, мастлик болаларга душман бўлиб ўринлашади. Бунинг фойдаси тажриба этилгандир. Болалар ҳузурида мастларга ачиниб сўзлаш, уларнинг оилалари бошларига тушган қайғу-аламларни сўзлаш лозимдир. Оналарнинг бундай сўзларидан болалар жуда зўр таъсирланадилар.

Ичкилик инсоннинг саломатлигини битирувчи оғу-заҳардир, бунинг зарарларини болаларига яхшилаб тушунтириш ота-оналарнинг бирдан-бир энг муҳим вазифаларидир.

Ш. ЗУННУН тайёрлаган.

• *Бош пландан бир лавҳа*

НОЁБ КОМПЛЕКС

Яқин келажакда Ўзбекистон кўчасида яна бир архитектура ансамбли қад кўтаради. Бу қарийб 2 миллионлик республика комсомолларининг штаби— Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг янги маъмурий биноси комплексидир.

Комплекс асосан маъмурий, мажлислар зали ва 150 — 200 ўринли ошхона ҳамда бир қатор хизмат кўрсатиш хоналаридан иборат бўлади.

14 қаватли маъмурий корпуснинг баландлиги 60 метрга тенгдир. Лойиҳага кўра, бинонинг ташқи томони панно билан безатилади. Бинони жилолашда турли рангдаги мармарлардан, қимматбаҳо ёғочлардан фойдаланилади. Офтобдан ҳимоя элементлари миллий ўймакорлик нақшлари билан безатилади.

Мажлислар зали 500 нафар кишига хизмат қилади. Бу ерда турли мажлислар, семинарлар, лекциялар ўтказилади, кинофильм намойиш қилинади. Хоналарнинг ҳавоси кондиционерлар ёрдамида тозаланади.

Бино атрофидаги 4 минг квадрат метрдан зиёд майдонда яшил зона ташкил этилиб, фонтанлар қурилади.

Комплекс лойиҳасини Тошкент бош плани илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти мутахассислари яратишган. Қурилиш-монтаж ишларини эса «Узбекгидроэнергострой» трести «Ташэнергострой» қурилиш-монтаж бошқармасининг бинокорлари амалга оширишмоқда.

Куни кеча объектда Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли қурилиш механизацияси трестининг механизаторлари бўлажак бинонинг котлованини қазиш ишларини бошлаб юборишди.



СУРАТДА: Ўзбекистон Ленин комсомоли Марказий Комитети янги биносининг макети.

ШАНБА ОҚШОМИ

● ҲИКМАТ — БИР ҲОВУЧ ОЛТИН ● МЕЪМОРЧИЛИК УСТАХОНАСИДА ● ЗАЙТУН ДАРАХТИНИНГ ХОСИЯТЛАРИ ● АЖОИБОТЛАР.

Ҳамшаҳарлар, сизлар учун

АҲОЛИ ДАСТУРХОНИГА

Қўйлиқдаги 1-теплица комбинати миришкорлари ҳамшаҳарларимизни ёз неъматлари билан таъминлаб туришибди. Азамат коллектив ўтган йили пландаги 1550 тонна ўрнига 2050 тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб берди. Ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида 1750 тонна меҳсулот етказиб бериш планлаштирилган эди. Аҳил коллектив ўз имкониятларини кўриб чиқиб, оширилган социалистик мажбурият қабул қилди ва ҳамшаҳарларимиз дастурхонига 2200 тонна сабзавот етказиб беришга аҳд қилди.

БУГУН

теплица комбинати меҳнаткашларининг йил бошидан бери аҳоли дастурхонига етказиб берган сабзавоти 150 тоннани ташкил этди. Шундан 75 тоннаси бодринг, 62 тоннаси помидор, қолганлари эса кўк пиёз, укроп, петрушкалардир.

Ҳамшаҳарларимизга бу сабзавотларни ўз вақтида етказиб беришда 6-участка бошлиғи Умаржон Охунжонов, звено бошлиғи Бувайса Худойқулова, 5-участка бошлиғи Саломат Ризаевалар бошқаларга намуна бўлишмоқда.

○

ҚИШКИ ВА ЁЗГИ

Ҳозир Октябрь район ошхоналар трестида 100 дан ортиқ кафе ва ошхоналар бўлиб, унда 1600 дан ортиқ киши ҳар куни юз мингдан ортиқ хўранда хизматида бўлмоқда. Районда ўтган йили 400 ўринли янги ошхона ва кафе фойдаланишга топширилди.

Куни кеча Охунбобоев майдонида яна бир кафе хўрандаларга хизмат қила бошлади. Бу ерда асосан миллий овқатлар билан бирга иссиқ нонлар сотилади. Кафенинг қишки зали 60 хўрандага мўлжалланган. Ҳадемай кафе ёнида юз ўринли ёзги бўлим фойдаланишга топширилади. Ташқи ва ички кўриниши жуда кўркам бўлган бу кафени 159-трестнинг 13-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари қуришди.

Районда ҳадемай яна бир йирик умумий овқатланиш корхонаси қуриб битказилмоқда. Бу парҳез таомлари ошхонаси бўлади.

Зайтун дарахти қаерларда ўсади, унинг хосиятлари қандай, ўзгача номлари ҳам борми? Шулар ҳақида маълумот берсангиз.
Дилором БАДАЛОВА,
Тошкент шаҳрининг 3-Урицкий кўчасида **истиқомат қилувчи.**

Зайтун дарахти қулф уриб турувчи доимий яшил либоси билан ҳар бир кишининг нигоҳини асир этиши мумкин. Унинг рамзи-сиймоси неча-неча шоири замонлар қаламининг сиёси бўлган.

Мўътадил иқлимга мансуб бўлган бу жозибали ўсимлик жуда қадим замонлардан бери маданий равишда экилиб келинмоқда. Гомер замонидаёқ Юнонистоннинг барча мазҳабларида зайтунзорлар барпо этилган бўлиб, халқларнинг ҳурмати тўридан жой олган эди. Қизиғи, шуки, ўша антик даврларда олимпия мусобақаси ғолиблари зайтунли чамбарлар билан тақдирланган. Қадимий мисрликлар зайтун мойини озиқ-овқат сифатида, нон ёпишда ишлатиш билан бирга, мойини ис ва газ чиқармайдиган зиё берувчи манба сифатида байрам ва қурбонликларда чироқ қилишарди.

Зайтун табобат бобида салмоқли ўрин тутиб, қарийб барча табиби замонларнинг амалиётида кенг кўламада қўлланган. Тиббий илм баҳодирлари бўлмиш Дисқаридус (Диоскорид), Жоленус (Гален), Абу Али ибн Сино, ли бўлиб, бепанд тишларни мустаҳкамлайди. Сақланган зайтун мойи кўз хиралашишига қарши суртма қилинади. У билан қилинган ташқи муолажа қуйиятга молик бўлган ашё сифатида юксак қадрланади. Фармацевтика амалиётида зайтун мойидан сурма ва малҳамларнинг асоси сифатида фойдаланилади.

Минг йиллар давомида «бо нияти шифо» деб тавсия этилган зайтунли дори-дармонлар, минг чийриқдан ўтиб келган бўлишига қарамай, ҳозирда унинг устида тиббий изланишлар олиб борилмоқда.

Гуллари майда, шода-шода нуқра ранг бўлиб, шингилларни ташкил қилади. Меваси резавор, данакли. Бир дарахтнинг ўзида нилий, ложувард, феруз, қора рангли мевалар бўлади. Зайтун мевасининг юмшоқ қисмида 60 фоизга яқин, данагида 30 фоизгача мой сақлайди.

Наботот—ҳаёт манбаи

Меваси ранго-ранг...

Амирдавлат ўзларининг муолажа андазаларида зайтуннинг қуйидаги шифобахш хосиятларидан фойдаланганлар. Зайтун меваларидан олинган мой кишига қувват бағишлайди, ични латифлаштириб, хилтлардан тозалайди. Жайдари зайтун сарамас, учуқ, эшак еми, тошма, қўтир, темуратки азиятларига малҳамлик қилади. Зайтун мойи билан оғиз чайиладиган бўлса қонайдиган милкакка (бодомча-ангинан и н г яллиғланиши) фойдамич нервининг яллиғланиши (ирқуннасо), ғафар (подагра) ва истисқога (водянка) енгиллик беради.

Илмий медицинамиз зайтуннинг қатор шифобахш хосиятларини инобатга олса-да, бироқ у табобатимиз амалиётидан нисбатан маҳрум бўлмоқда. Чунки қатор-қатор терапевтик препаратларнинг кўланкаси зайтун каби табиатимизнинг ноёб туҳфасини паналаб қўйди. Шунга қарамай зайтун мойи ҳозирда техник аҳамиятга ...

Серхосият ўсимликнинг ўзи ҳақида ҳам тўхталиб ўтамиз. Зайтуннинг 60 тури маълум. Маданий ҳолда зайтуннинг бир неча тури Озарбайжон, Грузия, Краснодар ўлкаси, Жанубий Қрим, Туркманистон ва мамлакатимизнинг бошқа латиф иқлимли жойларда ўстирилади. Ўсимлик барглари мажнунтол баргларига ўхшаш майда ва нишдор.

Зайтун меваларини эзиш билан уч хил тоифадаги мой олинади. Қиздирмай, пресслаш йўли билан олинадиган дастлабки мой— олий сифатли зайтун мойи ҳисобланади.

Зайтун мойининг таркибида гликозидлар, оқсил, зарра маъданлар, С, Д, Е витаминлари ва бошқа моддалар мавжуд. Ўсимликнинг барглари эса амбар мойлари, алкалоидлар, қанд, қатрон, органик кислоталар, фотостеринлар, витамин С ва ошловчи моддаларни ўзида жо қилган.

Зайтун мойини дорихоналарда учратиш мумкин (уни «Прованское масло», «Оливковое масло» ёҳуд «Масло маслины» деб ҳам юритишади). Зайтун мойи ва таъмирланган маҳсулот саноат кўламида чиқарилиши туфайли, у гоҳо озиқ-овқат маҳсули сифатида савдо тармоқларида кўриниб қолади.

Зайтун мойи билан боғлиқ бўлган эслатмалар билан танишиб қўйилса ўринли бўлади: зайтун мойи туриш жараёнида ўз сифатини бир оз йўқотиши мумкин. Шу туфайли зайтун мойи оғзи ингичка, рангли шишаларга солиб қўйилгани маъқул. Зайтун мойини суиистеъмол этмаслик лозим. Баъзан нохуш асоратларнинг банди бўлиб қолиш мумкин: аёлларнинг ҳомиласи омонат бўлиши, кутилмаганда лутфи аълолар юзидан мўйлар ўсиб чиқиши каби аломатлар воқеликдан нари эмас.

М. НАБИЕВ,
доришунос.

Раъно Раҳимованинг қўли гул дейишади. Дарҳақиқат шундай. У мана саккиз йилдан буён спорт буюмлари фабрикасида самарали меҳнат қилиб келяпти. У тайёрлаган спорт сумкалари биринчи тақдимдаёқ биринчи сортга қабул қилинаётир.

СУРАТДА: цех мастери Елизавета Чугунова Раъно Раҳимова тиккан спорт сумкаси сифатини кўздан кечиряпти.

Ҳ. Суннатуллаев фотоси.

ҚУЛАЙЛИКЛАР АДРЕСИ:

ЗАМОНАВИЙ АППАРАТЛАР ЁРДАМИДА

Акмал Икромов районида шаҳар «Зангори экран» ательесининг бир қанча филиаллари ишлаб турибди. Яқинда Зиё Саид кўчасидаги маиший хизмат кўрсатиш уйида ана шу ательенинг янги филиали ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсата бошлади. Устахонага ўрнатилган замонавий аппаратлар аҳоли томонидан топширилган магнитафон, радио ва телевизорларни сифатли ремонт қилишда қўл келмоқда.

Фарҳод ярмаркасига жойлашган район марказий «Зангори экран» ательеси ҳам кенгайтирилмоқда. Ҳадемай, бу ердаги реконструкция ишлари тугатилиб, мижозлар учун бир қанча қулайликлар яратилади.

Рассом табассуми

— Мени ҳам кинога олиб боринг, дадаси.
— Олиб борардим-ку, бугун мен кўрган кинонинг иккинчи серияси бўлади. Сен барибир тушунмайсан...

ДАНГАСАНИНГ ОРЗУСИ

Ишнинг енгил-елписи бўлса-ю, овқат кўп, тўйимли бўлса.

— Тагин суратни аввалги хотинларим кўриб таниб қолишмасин.

А. Холиқов расмлари.

ИЖОД ЖАРАЁНИДА

ҲАМ КУЛИБ, ҲАМ ЙИҒЛАБ...

Дидро ижод қилаётган пайтда гоҳ хона бўйлаб югурар, гоҳ қичқирар, гоҳ сакрар, гоҳ кулар эди. Бир куни дўстлари Дидрони йиғлаган ҳолда кўришди. Сабабини сўраганларида, у ўзининг янги асаридаги ҳалок бўлган қаҳрамонларига ачинаётганини айтган.

ҲОЗИРЖАВОБЛИК

Марк Твен бир киборли аёлни столга таклиф қилиб, деди:
— Бугун бирам гўзаллашибсиз!..
Аёл хурсанд кулиб, ёзувчига илтифот қилмоқчи бўлди:
— Сизни нима деб мақташимни билмай қолдим...
Твен қаҳ-қаҳ отиб, жавоб қилди:
— Сиз ҳам менга ўхшаб ёлғон гапира қолинг.

А. РАСУЛОВ тўплаган.

ЗАҲАРИ ИЛОННИКИДАН ЎТКИР

Энди акулалар океаннинг энг йиртқич эгалари эмаслиги исботланди. «Денгиз ариси» деб ном олган медузанинг заҳаридан жуда кўп кишилар ҳалок бўлар экан. Улар Шимолий Австралия қирғоқларида кўпроқ учрайди. Унинг зонтигининг диаметри ўн икки сантиметр бўлиб, чангалларининг узунлиги етти-саккиз метрга етади, заҳарининг кучи эса кобраникига яқиндир. Бу заҳар одамни тўрт-беш минут ичида ҳалок қилади.

Октопус Макилосус осьминоги (Австралиянинг Квинсленд ва Сидней провинциялари атрофида учрайди) ҳам ўта заҳарлидир. Унинг биттасида ўн кишини ўлдириши мумкин бўлган заҳар сақланади.

• *Маслаҳатларимиз*

ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН...

● Агар гўшт бир оз уриниб қолган бўлса, уни ишлатишдан ярим соат олдин зира-пиёзга қўшиб, яхшилаб мижғиб қўйинг. Шунда гўштдаги ёқимсиз ҳид кетади ва унга ёпишган микроблар йўқолади.

● Нўхатнинг ўзини алоҳида пиширганда сувни идишдаги нўхат билан баравар қилиб қуйинг, шунингдек пишираётганда уни ҳеч кавламанг.

● Эшик, деразa ва мойланган деворлардаги кир-доғларни хом-роқ пиширган картошка билан осонгина артиб кетказсангиз бўлади.

● Графин, бутилка каби оғзи кичик идишлар ичига қоғоз ёки газетани майдалаб солиб, илиқ-иссиқ сувда чайқатиб ювсангиз яхши тозаланади.

● Қўлга теккан йод ва кўк дори доғларини одеколон, атир ёки спирт билан осон кетказса бўлади.

БУ-ҚИЗИҚ

Ёлғончининг жазоси

Борнео оролидаги аҳоли умрида ёлғон гапирмайди. Чунки бу ерда ёлғон гапириш энг оғир жиноят ҳисобланади. Ёлғон гапирган одамдан аҳоли юз ўгиради. Ёлғончи ўлимидан кейин ҳам жазога тортилади. Икки қишлоқ оралиғида ёлғончига шох-шаббалардан ёдгорлик кўтарилади. Уни барча ўткинчилар лаънатлаши керак. Бунинг ифодаси сифатида ҳар бир ўткинчи бадкирдорнинг номини лаънат билан эслаб, битта ёки иккита шох-шабба ташлаб ўтиши керак. «Тугонг була» деб номланадиган бу ёдгорликни узоқ сақлаш ҳар бир кишининг бурчи ҳисобланади.

Тўртбурчак тарвузлар

Бундай тарвузни япониялик селекционер Томоюки Оно етиштирди. Ихтиро автори қандай қилиб тўртбурчак тарвуз етиштирганини ва уни парваришлаш йўлларини сир сақламоқда. Аммо ҳеч қандай химиявий модда қўшмаганини ва темир катакдан ҳам фойдаланмаганини очиқ айтмоқда. Бу тарвузлар оддий тарвузлардек мазали, аммо машинада ташиш учун қулай.

БИЛАСИЗМИ?

Биринчи мукофот

Бу йил «Тошкент — Обсерватория» метеостанциясининг ташкил этилганига 112 йил тўлади. Республикамиздаги энг кекса ана шу метеостанциянинг ўзига хос тарихи бор. Унинг хоналаридан бирига, коллективнинг турли даврлардаги фаолиятидан ҳикоя қилувчи ҳужжатлар, фахрий ёрлиқлар қўйилган. Шуниси қизиқки, станцияга энг биринчи мукофот 1896 йилда Нижний Новгород шаҳрида ўтказилган Бутунроссия саноат ва бадиий виставкаси томонидан берилган.

Ўша вақтдан бери ўтган муддатда станция янги-янги ускуналар билан жиҳозланди. Коллектив эришган муваффақиятлари учун бир неча бор тақдирланди.

Ҳозир станцияда ҳаво ҳарорати ва намлиги, тупроқ ҳарорати, шамолнинг йўналиши ва тезлиги, ёғингарчилик миқдорини аниқлаш бўйича ва бошқа метеорологик кузатишлар олиб борилъяпти. Тўпланган маълумотлар об-ҳаво бюросига юборилади. У ерда ана шу маълумотлар асосида эртанги кун об-ҳавоси аниқланади.

А. ДАВИДОВСКИЙ.

ДАМ ОЛИШ СОАТИДА

«ҲАЙВОНОТ» КРОССВОРДИ

ЭНИГА: 2. Танаси йирик жануб қуши. 6. Парранда. 8. Балиқ тури. 9. Найзачалари билан ўзини ҳимоя қилувчи кемирувчи. 11. Чўл калтакесаги. 13. Ўрта Осиёда яшовчи фойдали қуш. 14. Бўйи узун Африка ҳайвони. 17. Ҳашарот. 18. Йирик ҳайвон. 19. Хартумли ҳайвон. 20. Қуш. 22. Ҳашарот.

БУЙИГА: 1. Еввойи қўйларнинг бир тури. 3. Жанубий Американинг тропик ерларида тарқалган улкан сув бўғма илони. 4. Австралияда тарқалган итсимон йиртқич. 5. Йирик парранда. 7. Баъзи турларидан медицинада даволаш воситаси сифатида ишлатиладиган чувалчангсимон сув жонивори. 10. Йиртқич ҳайвон. 12. Филлар оиласига мансуб қирилиб кетган жуда катта ҳайвон. 13. Йиртқич ҳайвон. 15. Чорва ҳайвони. 16. Ов ити. 21. Уй ҳайвони.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ.**

10 ФЕВРАЛДАГИ «ШОИРЛАР» КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Саъдий. 2. Нодира. 3. Байрон. 4. Неруда. 5. Лутфий. 6. Есенин. 7. Фурқат.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Д. АҲМЕДОВ: Айтингчи, корхона ва ташкилотларга ишга кираётган пайтда қандай ҳужжатлар керак бўлади? Маъмурият ишга кираётган кишилардан уларнинг энг сўнгги иш жойидан характеристика талаб қилишга ҳақлими?

Жавоб: Корхона ва ташкилотларга ишга кирмоқчи бўлган кишилар учун асосий ҳужжатлар меҳнат дафтарчаси ва паспорт ҳисобланади. Меҳнат фаолиятини энди бошлаётган кишилар эса меҳнат дафтарчаси ўрнига уй-жой бошқармасидан (ЖЭК) ёки қишлоқ Советидан сўнгги пайтларда нима иш билан машғул бўлганлиги ҳақидаги справкани олиб келишлари лозим. Армия сафларидан бўшатилган кишилар эса ҳарбий билетларини кўрсатишлари керак. 16 ёшга тўлмаган ўсмирлар паспорт ўрнига туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани олиб келиб кўрсатадилар. Қоида бўйича ишга кираётган чоғда қандайдир қўшимча справка ва характеристикалар талаб қилиш тақиқланган. Лекин кўзда тутилган қонунга биноан масалан, илмий муассасалардаги вакант вазифаларга конкурсда қатнашадиганлар учун бундай характеристикалар талаб қилиниши ҳоллари бундан мустаснодир.

* * *

Р. УЗОҚОВА: Шаҳримизда балет санъати сирларини ўргатадиган билим юртлари борми?

Жавоб: Шаҳримизда хореография билим юрти бор. Бу ерга 4-синфни тугаллаган қизлар ва ўғил болалар классик бўлимга, олтинчи синфдан сўнг эса халқ рақси бўлимига қабул қилинадилар. Ҳар йили июнь ойидан бошлаб ушбу билим юртида саралаш конкурслари (у уч турдан иборат бўлади) ўтказилади, медицина комиссияси ишлайди. Бу масалада тўла маълумотга эга бўлишни истасангиз шаҳримизнинг Педагогика кўчасидаги 31-уйда жойлашган билим юрти дирекциясига келиб учрашишингиз мумкин.

* * *

М. ҚОСИМОВ: Маълумки, завод ва фабрикаларда «Мастер фонди» бўлади. Айтингчи, ана шу фонд маблағларини тақсимлаш кимнинг ихтиёрида бўлади?

Жавоб: Мастер фонди цехлар, участкаларнинг планлаштирилган иш ҳақидан иқтисод қилиб қолинган фонддан ташкил этилади. Ундан ишлаб чиқариш топшириқларини адо этишда ўрнак кўрсатган ишчиларни рағбатлантириш мақсадида фойдаланилади. Ана шу фонддан бериладиган мукофотлар участка мастерининг ташаббуси билан амалга оширилади. Олдиндан участка касаба союз группаси билан албатта келишилгандан сўнггина ишчилар рағбатлантиришга тавсия этиладилар.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА
ГАИ АХБОРОТИ

Электроника институти махсус конструкторлик-технология бюросининг токари Виктор Рачков ишдан кейин ўртоқлари билан Пушкин кўчасидаги 23-ошхонага «ташриф» буюрди. Дўстлар аввал икки шишадан пиво, кейин бир стакандан портвино, хайрлашиш олдидан эса бир стакандан мусаллас сипқаришди. Бу кўп ўтмай ўз таъсирини кўрсатди. Рачков ошхонадан чиққач, Пушкин кўчасининг қатнов қисмини кесиб ўтди. Бу хатти-ҳаракат одатдагидек ачинарли тугади. Викторни А. Маҳмудов бошқариб келаётган ГАЗ —69 маркали 10— 51 ТНЖ автомобили уриб йиқитди.

В. Рачковни бош мияси қалқиган ва жароҳатланган ҳолда 15-шаҳар касалхонасига олиб келишди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

17 ФЕВРАЛЬ, 1979 й.

Ҳафталик программа

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

19 ФЕВРАЛЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 Болалар учун. «Алёша Птицин характерини тарбиялаяпти». Бадиий фильм. 11.15 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 12.15 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Қишлоқдаги оддий иш кунлари». Кинопрограмма. 16.05 «Бил ва уддала». Ёш техниклар учун кўрсатув. 16.50 «Катта маскарад». Рус актёри ва театр арбоби. Ф. Б. Волков ҳақида ҳужжатли фильм. 17.10 «Телестадион».

17.40 «Пионерия» хор студиясининг концерти. 18.15 «Беш йиллик. Тўртинчи йил». «Ишлаб чиқариш бирлашмасининг резервлари». 19.00 Б. Лавренев. «Ёриқ». М. Н. Ермолова номли Москва театрининг фильм-спектакли. 20.10 «СССР Олий Советига сайловлар олдидан». 20.25 «Ёриқ» фильм-спектаклининг давоми. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Қўшиқлар — сизнинг қадимий дўстингиз». Концерт. 22.45 Конькида югуриш спорти бўйича жаҳон чемпионати. Спринтерлик кўпкураши. ГФРдан олиб кўрсатилади. 23.30 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Маша ва Жучка». Болалар учун мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдош» (рус.). 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 Аёллар командалари ўртасида қўл тўпи бўйича СССР чемпионати. «Текстильщик» (Тошкент)— «Экономист» (Минск). Тошкент қишлоқ хўжалик институти спорт комплексидан репортаж (ёзиб олинган). 19.20 4 март — СССР Олий Советига сайловлар. «Сайловчиларнинг наказларини бажариш— Советлар ва депутатлар фаолиятининг муҳим қисми». 19.30 Самарқанд область мақомчилар ансамблининг концерти. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Шопениана». А. Навоий номли Давлат академик Катта театри солистлари ижросида бир саҳна балет. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Пахтакорларнинг долзарб вазифалари». 22.30 Д. Пеев. «Еттинчи қадаҳ». Телевизион спектакль премьераси. 1-қисм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Еримиз жароҳати». Бадиий фильм. 20.30 «Куз ташвишлари». Телевизион фильм-концерт. 21.00 Тошкент янгиликлари.

20 ФЕВРАЛЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.50 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.15 Б. Лавренёв. «Ёриқ». М. Н. Ермолова номли Москва театрининг фильм-спектакли. 12.30 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Мамлакат меҳнат коллективларига бағишланган туркумдан телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 16.20 «Сиз яратган боғ». 16.50 Халқаро болалар йилига. «Жаҳон узра карнайлар». Ҳужжатли фильм. 17.15 «Ҳуқуқ ҳақида суҳбатлар». «Ватанни ҳимоя қилиш— муқаддас бурч».

17.45 «Қалбга яқин қўшиқлар». 18.30 СССР Олий Советига сайловлар олдидан. «Ёш сайловчилар клуби». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Жасорат». 20.05 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси рус халқ чолғу академик оркестрининг концерти. 20.25 «Мўлжални кўряпман». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.15 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Химик» (Воскресенск). В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Қўшиқ билан нурафшон ўлка». Болалар учун фильм-концерт. 12.10 Д. Пеев. «Еттинчи қадаҳ». Телевизион спектакль 1-қисм.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Генерал Топтигин». Болалар учун мультфильм. 18.15 «Ёш куч». Мактаб ўқувчилари учун спорт кўрсатуви. 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 «Миллионлар ленинча университети». «Ўртоқ Л. И. Брежнев асарларида марксизм-ленинизмнинг ижодий ривожлантирилиши». 19.15 «Марду майдон». Бадиий фильм. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Хасан Ражабов куйлайди. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.15 Д. Пеев. «Еттинчи қадаҳ». Телевизион спектакль премьераси 2-қисм. 00.10 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Юлдузча». 20.15 «Тикланиш». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.50 Тошкент янгиликлари.

21 ФЕВРАЛЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.50 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.15 «Юлдуз». Бадиий фильм. 11.45 «Киносаёҳатчилар клуби». 12.50 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Ҳужжатли фильм. 15.40 «Комсомольская правда» газетаси совринлари учун сувга сакраш бўйича халқаро мусобақалар. Трамплин. Финал. Эркаклар. Киевдан олиб кўрсатилади. 16.15 «Горнчилар, қаердасиз?». 16.45 «Бу бизнинг кўз олдимизда содир бўлган». Музикали-адабий композиция. Ленинграддан олиб кўрсатилади.

17.30 «Қўриқ меҳнаткашлари — Москва артистларининг меҳмони». 18.45 «Фан оламида». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Булат Милжинкиев куйлайди». Фильм-концерт премьераси. 20.10 «СССР Олий Советига сайловлар олдидан». 20.25 «Мўлжални кўряпман». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Ёзувчи Ярослав Ивашкевич». Туғилган кунининг 85 йиллигига. 22.55 «Фестиваллар, Конкурслар. Концертлар». 23.50 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси.

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Силикат саноати». Химиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 Аёллар командалари ўртасида қўл тўпи бўйича СССР чемпионати. «Текстильщик» (Тошкент) — «Колос» (Берегово). Тошкент қишлоқ хўжалик институти спорт комплексидан репортаж (ёзиб олинган). 12.30 «Силикат саноати». Химиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 13.00 Д. Пеев «Еттинчи қадаҳ». Телевизион спектакль. 2-қисм.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Алғов-далғов». Болалар учун мультфильм. 18.15 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 4 март —СССР Олий Советига сайловлар. «Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати М. Мўйдинов билан учрашув». 19.20 «Санъат усталари». СССР халқ артисти М. Мансуров (рус.). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Рояль олдида суҳбатлар». Пианиночи Карлен Аҳмаджонов. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.30 Д. Пеев «Еттинчи қадаҳ». Телевизион спектакль премьераси. 3-қисм. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Ўз кўзим билан». 20.30 «Мураккаб йўл». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.00 Тошкент янгиликлари.

22 ФЕВРАЛЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.50 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.15 «Горнчилар, қаердасиз?» 10.45 «Генерал Раҳимов». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 12.20 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб» Кинопрограмма. 16.25 «Рус тили». 16.55 «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 17.40 «СССР— Сурия. Иқтисодий ҳамкорлик йўллари». Ҳужжатли фильм.

18.00 «Шахмат мактаби». Хатларга жавоблар. Кўрсатувда шахмат бўйича жаҳон чемпиони А. Карпов иштирок этади. 18.30 «Миллионлар ленинча университети». «Тинчликни ҳимоя қилиш — инсониятнинг асосий вазифаси». 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Қадимги рус романслари. 20.10 «Москва». Чистые пруды». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Ёшлар адреслари». Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига. 23.25 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси.

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Ўсмирлар учун. «Нурафшон давра». (рус.). 12.00 Д. Пеев. «Еттинчи қадаҳ». Телевизион спектакль. 3-қисм. 13.20 «Уруш эшик қоққанда». Телевизион ҳужжатли фильм. («Ўзбектелефильм»).

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Капитанлар». Болалар учун телевизион ҳужжатли фильм. 18.25 «Прогресс» программаси. 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 «Солдат ҳамиша солдат». Телевизион очерк. 19.10 «Ҳаёт каби тирик». 19.40 Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Унутилмас саҳифа». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ёшлар куйлаганда». Концерт. 21.30 Москва «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Қизил майдон». Бадиий фильм. 1-серия. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

18.55 Кўрсатувлар программаси. 20.00 «Тошкент ва тошкентликлар». «Авлодлар биографияси». (рус.). 20.30 «Афсонага сўз боши». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.50 Тошкент янгиликлари.

23 ФЕВРАЛЬ — ЖУМА

СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.50 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.15 Н. Песковнинг «Ватанга қасамёд» кантатаси. Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг болалар Катта хори ижро этади. 10.40 «Мўлжални кўряпман». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 12.50 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Қасамёд». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.20 «Санъат-солдатга». Фильм-концерт. 17.00 «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби.

18.05 «Поэзия». СССР Қуролли Кучлари Марказий музейидан олиб кўрсатилади. 18.35 «Москва ва москваликлар». 19.05 «Ҳамма нарсани билишни истайман!». Киножурнал. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 СССР Мудофаа министрлигининг биринчи алоҳида намунали оркестри чалади. 19.55 «Бугун— Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни». Варшава Шартномаси қатнашчилари бўлган давлатлар Бирлашган Қуролли Кучларининг бош қўмондони, СССР Мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали В. Г. Куликов сўзи. 20.10 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Улар Ватан учун жанг қилдилар». Бадиий фильм (М. Шолоховнинг шу номли романи асосида). 1-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.15 Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишланган музикали программа. 23.45 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Л. Н. Толстой қадамжолари бўйлаб. Ясная Поляна». Адабиётдан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Қизиқарли учрашувлар». Ёш мухбирларнинг Совет Иттифоқи Қаҳрамони С. Умаров билан учрашуви. 12.30 Ёш ижрочилар концерти. А. Навоий номли Давлат академик Катта театридан трансляция пайтида ёзиб олинган.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Болалар заставаси». Болалар учун телефильм. 18.15 «Ансамбль операцияси». Телевизион бадиий фильм (рус.). 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 19.30 «Жанубий чегара посбонлигида». Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони. Генерал-лейтенант Ю. П. Максимов сўзи. 19.40 «Ватан». Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишланган кўрсатув. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Солдат мактублари». Совет Армияси жангчилари учун концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Қизил майдон». Бадиий фильм. 2-серия. 23.25 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Исёнкор застава». Бадиий фильм. 21.00 Тошкент янгиликлари.

24 ФЕВРАЛЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.50 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.15 «Моҳир қўллар». 10.45 «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.15 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». П. Кузнецов ва А. Матвеев кўргазмалари. 11.45 «Дунё воқеалари». 12.05 «Тонгги почта». Музикали программа. 12.35 «Спортлото» тиражи. 12.50 «Москвичка». Телевизион клуб. 14.05 «Советлар ва ҳаёт». СССР Олий Советига сайловлар олдидан. Кўрсатувда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Эстония ССР Олий Совети Президиумининг раиси И. Г. Кэбин иштирок этади. 14.35 Болалар учун. «Лэсси» сериясидан фильмлар. «Ёввойи табиат даъвати». «Қоплон изидан» (АҚШ). 15.45 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 16.30 С. Рахманинов. «Тўрт этюд — картина». 16.40 «КПСС XXV съездининг йиллигига». 17.25 «Камалак». Халқ ижодиёти телевизион программаларининг III халқаро фестивали. Жазоир Халқ Демократик Республикаси. 17.55 Мультфильмлар программаси. «Кумуш тақа», «Иркит ўрдакча». 18.30 «Ҳайвонот оламида». 19.30 «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 20.15 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Улар Ватан учун жанг қилдилар». Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишланган концерт. Союзлар уйининг Колонна залидан олиб кўрсатилади. 23.30 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Телевизион миниатюралар театри. 10.50 «Назм ва наво». А. Навоий лирикаси. 11.50 «Шу куннинг автосервиси» (рус.). 12.15 «Най навоси». Бадиий фильм. 13.40 Спорт программаси. 1. Сув полоси бўйича СССР чемпионати «Меҳнат» (Тошкент) — «Балтика» (Ленинград). Митрофанов номли Сув спорти саройидан репортаж. 2. Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» (Тошкент)— «Сибирь» (Новосибирск). 3-давр. «Юбилей» Марказий спорт залидан репортаж (ёзиб олинган). 14.35 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув (қозоқ тилида). 15.20 Мактаб ўқувчилари учун «Светофор».

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 Болалар учун. «Ўйлаб топ!» (рус.). 18.00 «Коммунизм қурувчиларининг съезди». КПСС XXV съезди очилган куннинг йиллигига. 18.15 «Шеърият билан учрашув». Тўлқин. 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 «Оламда нима гап?». Халқаро воқеалар шарҳи. 19.30 «Оламга саёҳат». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Телевидение экранида биринчи марта». «Менга сўз беринг». Бадиий фильм. 00.20 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

17.25 Кўрсатувлар программаси. 17.30 «Пионер» студиясининг концерт программаси. 18.00 Н. К. Крупская туғилган куннинг 110 йиллигига. «Илья мандатига». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.30 «Новости» информацион программаси. 18.50 «Чашма». Телевизион клуб. 19.30 Москва. «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 20.15 Телевизион фильм. 20.30 «Ахбор» информацион программаси. 20.55 «Гулшан». эстрада ансамблининг концерти. 21.30 Москва «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Табиат ва сиз». Телевизион журнал (тожик тилида). 22.45 Кўрсатувлар программаси. 22.50 «Муқаддас олтин». Бадиий фильм (рус.). 00.15 Душанба кўрсатувларининг охири.

25 ФЕВРАЛЬ — ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.40 «Зарядкага сафланинг!». 10.00 «Будильник». 10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.30 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Қуён қўриқчиси». Бадиий фильм (ГДР). 12.30 «Музикали киоск». 13.00 «Қишлоқ янгиликлари». 14.00 «Театр спектакли». В. Гусев. «Иван Рибаков». СССР Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли. 15.45 «Ишчилар синфи шундай дейди». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Мамлакат меҳнат коллективларига бағишланган туркумдан. 16.15 «Олимпиада-80». 17.00 «Киносаёҳатчилар клуби».

18.00 «Мультфильмлар программаси»: «Хурпайган чумчуқ», «Рекс-альпинист». 18.30 «Халқаро панорама». 19.15 В. Андреев номли рус халқ оркестрининг концерти. Солист — СССР халқ артисти Б. Штоколов. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 19.40 «СССР Олий Советига сайловлар олдидан». 19.55 Н. К. Крупская туғилган куннинг 110 йиллигига. «Надежда». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 Ёш сайловчиларнинг талабларига биноан музикали программа. 22.50 Енгил атлетика бўйича Европа чемпионати. Венадан олиб кўрсатилади. 23.35 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси.

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Авазбек Абдулазов куйлайди. 10.45 «Эшикни очинг, биров келди». Бадиий фильм. 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.00 Қишлоқнинг эртанги куни». Ҳужжатли фильм премьераси (Ўзбекистон ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар студияси). 13.20 «Шахмат мактаби». 13.50 «Кўча хавфсизлиги учун» (рус.). 14.30 «Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси таклиф этади». Реклама.

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «До-ре-ми-фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун музикали ўқув кўрсатуви. 18.05 «Бир том остида». Болалар учун мультфильм. 18.20 «Злобин методи асосида». «Бригада хўжалик ҳисоби нимага қодир» (рус.). 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 «Эртага — премьера». Кинокўрсатув (рус.). 19.30 «Қўшиқларда қиз қалби». Музикали программа. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Телевизион миниатюралар театри. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Жарроҳ». Бадиий фильм (рус.). 23.25 Сув полоси бўйича СССР чемпионати. «Меҳнат» (Тошкент)— «Локомотив» (Харьков). Митрофанов номли сув спорти саройидан репортаж. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси

16.30 Кўрсатувлар программаси. 16.35 «Экран — болаларга». 17.20 «Менга қўшиқни ишонишди». Фильм-концерт. 18.20 СССР Олий Совети депутатлигига номзод. «Северная» кони тоғ ишчилари бригадасининг бошлиғи И. А. Медведев ҳақида очерк. 18.30 «Сайловчилар, Сизлар учун». Концерт. 19.00 «Қирғиз санъати кишилари». Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган артист Т. Турсунбоева. 20.00 «Тогуз кайрик». Телевизион конкурс. 21.30 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА— 17/II да **Севилия сартароши** (кечқурун, билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/II да **Қиёмат қарз**, 18/II да **Келинлар қўзғолони** (12.00), **Ғариблар** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/II да **Қизил дуррали нозик ниҳолим**, 18/II да **Шаҳзода ва етим қиз** (12.00), **Олифта** (19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/II да **Ишқ қурбонлари** (16.00), 18/II да **Ишқ қурбонлари** (12, 15.00, билетлар сотилган).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— (17/II да 16.00, 19.30, 18/II да 12.00, 16.00, 19.30 да) **«Тўрт куёв» эстрада-цирк лўлилар ревюсининг гастроллари.**

КИНО

18 ФЕВРАЛДА
ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«СИБИРЬ НЕФТИ»— **Фестиваль.**

«УМРНИ УЗАЙТИРИШ ИНСТИТУТИ» — **Восток.**

«ШОПЕН, СОНАТА НОМЕР ИККИ», «ДУШАНБА — ОДДИЙ КУН» — **Янгиобод.**

«ГАЛАТИ ҚЎШНИЛАР» — **Навоий номли.**

«МУСТАҚИЛ РАВИШДА, БИТТА-БИТТАДАН» — **Ўзбекистон 25 йиллиги номли, Тинчлик.**

«ОМАДИ КЕЛГАН КИШИ» — **Чайка, Ўзбекистон 25 йиллиги номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МЕНИНГ ЕҚИМТОЙ ЭРКАТОЙИМ»— **Нукус.**

«ПЯТНИЦКИЙ КЎЧАСИДАГИ ҚОВОҚХОНА» — **Восток.**

ХРОНИКАЛ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — **Нукус, Пионер, Фестиваль, Москва, Дружба, Лисунов номли, Тинчлик, ВЛКСМ 30 йиллиги номли, Мир, Ҳамза номли, Янгиобод, Ғ. Ғулом номли, Ғунча, С. Раҳимов номли, Тошкент Советининг 50 йиллиги номли, Козоғистон, Навоий номли, Ўзбекистон 25 йиллиги номли, Чайка, Кўнча.**

Тошкент шаҳар Советн ижроия комитетининг

ШАҲАР ВЕТЕРИНАРИЯ-САНИТАРИЯ СТАНЦИЯСИ

ҲАР ЙИЛНИНГ

ЯНВАРИДАН 1 ИЮНИГА ҚАДАР

Юқумли касалликларга қарши кўрик ва ветеринария ишловини ўтказиш учун территориялардаги ветеринария шифохоналарига уй ҳайвонлари, итларни олиб боришлари, паррандалар ва асаларилар ҳақида заявкалар беришлари лозимлигини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

ТЕРРИТОРИЯ ВЕТЕРИНАРИЯ СТАНЦИЯЛАРИ ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРДА ЖОЙЛАШГАН:

ФРУНЗЕ РАЙОНИ — Таштекстильмашская кўчаси, 20-уй. Телефон 53-61-33.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ — Самарқанд-Дарвоза кўчаси, 62-уй. Телефон 44-23-71.

А. ИКРОМОВ РАЙОНИ — Уйғур кўчаси, 628-уй. Телефон 46-84-85.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ — Луначарское шоссеси, 326-уй. Телефон 66-14-30.

ЛЕНИН РАЙОНИ — Ипподромная кўчаси, 184-уй. Телефон 91-65-36.

КИРОВ РАЙОНИ — Обсерваторская кўчаси, 27-уй. Телефон 33-35-13.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ — Чилонзор массиви, 6-квартал (собиқ «Россия» шаҳарчаси). Телефон 77-44-58.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИ — ФOробий кўчаси. 29-уй. Телефон 44-34-53.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИ — «Спутник» шаҳарчаси, Райҳон кўчаси, 14-уй.

ҲАМЗА РАЙОНИ — Заркент кўчаси, 20-уй. Телефон 91-47-14.

Янги олинган уй ҳайвонлари, итлар, паррандалар, асаларилар беш кунлик муддат ичида ветеринария шифохоналарининг рўйхатидан ўтказилади.

Шифохонага биринчи марта мурожаат этилганда шахсингиз ва турар жойингиз ҳақида маълумот берувчи ҳужжатлар ёнингизда бўлсин.

Ҳайвонларнинг жасадини йиғиштириб олиш ва уларни олиб чиқиб кетиш ҳамда керакcиз итлар, мушукларни топшириш масалалари бўйича Тошкент шаҳрида қутуришга қарши кураш отрядига мурожаат этинг. Отряд Фрунзе район, Ивановолик тўқувчилар кўчаси, 22-уйда жойлашган. Телефон 53-07-74.

ВЕТЕРИНАРИЯ ИШЛОВИ БЕПУЛ БАЖАРИЛАДИ.

Ветеринария ҳужжатларисиз молларни сўйиш, чорвачилик маҳсулотларини бозорларда сотиш мутлақо тақиқланади.

Ҳайвонлар, моллар, итлар, паррандалар, асалариларни регистрациядан ва уларни ветеринария ишловидан ўтказишга розилик бермаганлар СССР Ветеринария уставининг талабларига биноан жавобгар бўладилар.

САЁҲАТ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ САЁҲАТ

ВА ЭКСКУРСИЯЛАР

БЮРОСИ

31 МАРТДАН 16 АПРЕЛГАЧА

«АБХАЗИЯ» ТЕПЛОХОДИДА

БОЛГАРИЯ ВА РУМИНИЯГА КИРИБ ЎТИШ БИЛАН ҚОРА ДЕНГИЗ БЎЙЛАБ САФАР ТАШКИЛ ҚИЛАДИ.

ПУТЁВКАЛАРНИНГ КЛАСС БЎЙИЧА БАҲОЛАРИ: III класс — 431 сўм ва 418 сўм, II класс 498 сўм, алмашув фонди — 300 сўм.

САФАР МАРШРУТИ:

ОДЕССА—ЯЛТА—НОВОРОССИЙСК—СУХУМИ—БАТУМИ—СОЧИ—ВАРНА—СОФИЯ. (поезд билан)—**КОНСТАНЦА—БУХАРЕСТ** (автобус билан) — **ОДЕССА.**

Болгарияда бўлиш — 4 кун, Руминияда — 3 кун.

Тошкентдан Одессагача поездда бориш ва қайтиш, овқатланиш, теплоходда яшаш, шаҳарлардаги экскурсия хизмати путёвка қийматига киради.

Ҳужжатларни Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси орқали расмийлаштириш 5 мартгача давом этади.

ПУТЁВКАЛАР СОТИЛМОҚДА

Ҳозирги кунда Қора денгизбўйи, Болтиқбўйи шаҳарлари, «Тошкент» туристик поездида Закавказье шаҳарлари бўйлаб сафарга чиқиш учун билетлар сотилмоқда.

Закавказье шаҳарлари бўйлаб сафар «Тошкент—Пятигорск — Ереван—Тбилиси— Батуми—Сухуми— Гагра —Краснодар — Ростов-Дон— Волгоград— Тошкент шаҳарлари бўйлаб ўтиб 5 апрелдан 22 апрелгача давом этади. Путёвка баҳоси — 212 сўм.

«Дилором» туристик поездида Бухоро — Самарқандга сафар 13 апрелдан 16 апрелгача давом этади.

Путёвка баҳоси — 42 сўм.

Фабрика, завод маҳаллий комитетлари, корхоналар, муассасалар, касаба союзлари область комитетлари раисларининг

ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ 1979 ЙИЛДА ПУТЁВКАЛАР СОТИШ ЮЗАСИДАН ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ШАРТНОМА ТУЗИШГА КИРИШДИ.

Бизнинг адрес: 700078, Тошкент шаҳри, Намойишлар хиёбони, 5-уй. Телефон 39-13-59.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

17 ФЕВРАЛЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

16.55 Хоккей бўйича СССР чемпионати «Динамо» (Москва) — МАСК. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Спортлото» тиражи. 19.20 «Кулфат». Мультфильм. 19.35 «Бизнинг обзор». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов олиб боради. 20.20 «Номсиз юлдуз». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Номсиз юлдуз». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 23.15 «Рақслар оҳангида». Эстрада программаси. 24.00 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Огник». Болалар учун мультфильм. 17.45 «Ёзувчилар — болаларга». А. Гайдар туғилган кунининг 75 йиллигига. 18.15 «Жанговар постда» (рус.). 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 «Жаҳон бир ҳафта ичида». 19.20 «Бригадир Найни Маматқодиров». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»). 19.30 «Ижод саҳифалари». М. Исмоилий. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси эстрада-симфоник оркестрининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Беш кечаю, беш кундуз». Бадиий фильм (рус.). 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

16.55 Кўрсатувлар программаси. 17.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Костёр». 17.30 «Хемингуэй Гаванада яшайди». Ҳужжатли фильм. 17.55 «Партия турмуши» (рус.). 18.40 «Новости» информацион программаси. 19.00 Ёшлар учун ҳарбий-спорт программаси. 20.00 «Ахбор» информацион программаси. 20.25 Боқи Раҳимзода. «Қора чавандоз». Телевизион спектакль премьераси. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 Тожикистон ССР Давлат телевидениеси ва радиосининг солистлари куйлайди. 22.45 Душанба кўрсатувларининг охири.

18 ФЕВРАЛЬ — ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.40 «Зарядкага сафланинг!». 10.00 «Будильник». 10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.30 «Эртак ҳузурида меҳмонда», «Дюймовочка». Мультфильм. 12.30 «Музикали киоск». 13.00 «Қишлоқ янгиликлари». 14.00 «Театр спектакли». А. Гельман. «Бир йиғилиш протоколи». М. Горький номли Ленинград академик драма Катта театрининг спектакли. 16.15 «Қатнашиш коэффициенти». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Мамлакат меҳнат коллективларига бағишланган туркумдан. 16.45 Литва санъат усталарининг концерти. 17.25 «Киносаёҳатчилар клуби». 18.25 «Халқаро панорама». 19.20 «Биз қўшиқларда қоламиз». Останкино концерт студиясидан Сибирь ва Узоқ Шарқнинг ёш қурувчилари, нефтчилари, олимлари билан учрашув. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 Спорт программаси: 1. «Чемпионат чемпионлар нигоҳи билан». Кўрсатувда жаҳон чемпиони А. Карпов, жаҳон экс-чемпионлари Н. Гаприндашвили ва М. Таль иштирок этади. 2. Хоккей бўйича СССР чемпионати, «Спартак» (Москва) — «Трактор» (Челябинск) 2-ва 3-даврлар. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг спорт саройидан олиб кўрсатилади. 23.45 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Биз — Жиззахданмиз». Бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали (такрорий кўрсатув). 11.40 «Тяп ва Мяка». Болалар учун мультфильм. 12.00 «Қувноқ стартлар». 13.00 «Яшил қарағайлар сири». Бадиий фильм. 14.20 Ота-оналар учун консультация (рус.). 14.50 Реклама.

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 Болалар учун. «Юлдузча». 18.05 «Қардош халқлар дўстлиги». Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет-Венгер битими имзоланганлигининг 31 йиллигига. 18.25 «Қуёшли ўлка маршрутлари». 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 «Инсон ва табиат». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.30 «Музика ҳақида диалоглар». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Хурсаной Умарова ва Уринбой Ортиқов куйлайди. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Телевидение экранида биринчи марта». «Қора карвон». Бадиий фильм. 23.20 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси.

16.30 Кўрсатувлар программаси. 16.35 «Экран — болаларга». 17.30 «Мўъжизалар оламида». Фильм-концерт. 18.00 «Евгений Матвеев бизнинг меҳмонимиз». Кинокўрсатув. 18.40 Қирғизистон телевидениеси ва радиосининг хори куйлайди. 19.10 «Новинки» киноклуби. 20.30 «Ёзувчи ва ҳаёт». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Буюк ҳайвон ўргатувчи». Телевизион бадиий фильм. 23.20 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

4 ТОШКЕНТ бет. ОҚШОМИ

17 ФЕВРАЛЬ, 1979 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС 700.000; ГСП Тошкент, Ленин проспекти, 41 ТЕЛЕФОНЛАР секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85 шаҳар хўжалиги — 32-57-63; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-85; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42, нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р—12872. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Е—1242.